

Хабар

5
(802)-son

1-fevral

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2008


О'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

● Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!** ●

29 январ куни интернетда Qtrax рақамли сервиси иш бошлади. Унда 25 миллиондан ортиқ мушқий композиция жойлаштирилган бўлиб, уларни мутлақо текинга кўчириб олиш мумкин. Бунинг учун янги хизматдан фойдаланишни истаганлар ўз компютерлари-га махсус дастурни ўрнатишса кифоя.

Qtraxдаги файллар рақамли ҳуқуқни бошқариш тизими (DRM) билан таъминлангани боис, компания ҳар бир кўшиқ неча мартаба кўчириб олингани ёки тинглангани тўғрисида бохабар бўлиб боради.

Янги хизмат учун Brilliant Technologies корпорацияси 30 миллион доллар сарфлади. Уни ишлаб чиқишда Universal Music, EMI ва Warner Music компаниялари ҳамкорлик қилди.



Кўшимча хизмат — ВИДЕОТЕЛЕФОНИЯ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси таркибидаги филиал ва корхоналарда маънан ва техник эскирган аналог ускуналарни рақамли станцияларга алмаштириш жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бунинг натижасида мижозларга 25дан ортиқ кўшимча хизмат турларини тақдим қилиш имконияти пайдо бўлди.

2006 йилда кўшимча хизмат турларидан фойдаланган мижозлар сони 311,6 мингтани ташкил қилган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 505,3 минггага етди. 2006 йилда ушбу хизмат турларидан олинган даромад 749,1 млн. сўмдан иборат бўлган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 1550 млн. сўмни ташкил қилди.

3-БЕТ

Ушбу сонда

ДАР такомиллашуви талаб даражасидами?

2-БЕТ

Илми кўпга, ҳунар кўкка...

4-БЕТ

«Воздушный» интернет

6-БЕТ

Улкан ислохотлар бўсағасида

11-БЕТ

Улғбекнинг улғ мақсади

12-БЕТ

Ой конституцияси

14-БЕТ

Ёшларимизда бронза

15-БЕТ



*Кенг қамровли
сўзурта хизматлари*


тел.: (+998 71) 173-80-05 факс: (+998 71) 173-80-06



UzNet

Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN —
JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 24 январ куни Оксаройда АҚШ Куролли Кучлари Марказий кўмондонлиги кўмондони адмирал Уилям Фэллонни қабул қилди.**

Учрашувда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, қўшни Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, шунингдек, халқаро терроризмга, наркотрафикка, оммавий қирғин қуроллари тарқатиши ва бошқа замонавий таҳдидларга қарши курашиш бора-сида томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

✓ **Тошкентда Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги "Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир" маърузасида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган конференция бўлиб ўтди.**

Тадбир Ўзбекистон Мустиқил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

✓ **Сингапурлик бир гуруҳ тиббиёт соҳаси мутахассислари Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Мазкур таширф ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида юртимиз тиббиёт тизими билан танишиш истагида бўлган Сингапур томонининг ташаббуси билан ташкил этилди.**

Таширф чоғида сингапурлик мутахассислар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигида музокаралар ўтказди.

✓ **Хоразм вилояти Маънавият ва маърифат марказида «Маънавиятли ёшлар — Ватанимиз келажаги» ёшлар семинари-тренинг ўтказилди.**

Тадбирда Тошкент тиббиёт академияси ва Ахборот технологиялари университетининг Урганчдаги филиаллари, мазкур университет қошидаги 1-сон академик лицей талабалари иштирок этдилар.

✓ **Пойтахтимиздаги «Дедеман» меҳмонхонасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтди. Бизнес-форумда мутахассислар, халқаро экспертлар ушбу йўналишда ривожланган давлатлар тажрибаси, мамлакатимизда амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.**

✓ **Андижон вилоятида 2008 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси мазмун-моҳиятини тушунтириш ва ижросини изчил таъминлашга бағишланган семинар ўтказилди.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида бозор иқтисодиётга асосланган кучли демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар ўз самараларини бераётганлиги таъкидланди.

HAY'AT YIG'ILISHIDA

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Ҳайъатининг 2008 йилдаги биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Агентлик Бош директори, Ҳайъат раиси А.АРИПОВ олиб борди.

ДАР ТАКОМИЛЛАШУВИ
ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Ҳайъат йиғилишида, ҳукуматимиз томонидан Агентлик зиммасига юклатилган муҳим вазифалардан бири — «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ахборот ресурсларининг ҳолати ва уларни такомиллаштириш тўғрисида» ги масала кўриб чиқилди.

Мазкур соҳадаги ахвол бўйича «Uzinfocom» маркази директори Ж.Раҳимов ахборот берди. Ахборотда таъкидланишича, ҳозир Давлат ахборот ресурслари (ДАР) ва тизимлари реестрида 57та ДАР мавжуд, шулардан 49 (83 фоиз) таси рўйхатдан ўтказилган. 8 (14 фоиз) та ДАР бўйича маълумотлар тақдим этилмаган. Бундан ташқари, 2та ДАР ва 8та рўйхатдан ташқари Давлат ахборот тизими (ДАТ) рўйхатдан ўтказилган.

2007 йил мобайнида 19та ДАР бўйича муурожаотнама тушган, улардан 14таси ўрнатилган талабларга риоя қилмади. Натижада, 19та ДАР рўйхатдан ўтказилган.

Рўйхатга олинган давлат ахборот ресурслари ва тизимлари тўғрисидаги маълумотларни тартибга солиш мақсадида, «Давлат ахборот ресурсларини қайд этиш ва рўйхатга олишининг ягона тизими» (www.reestr.uz) яратилди. Тизим мавжуд ахборот ресурслари билан танишиш ва янги ресурсларни жойлаштириш имкониятига эга.

Реестрни кенгайтириш мақсадида, 16та давлат ахборот ресурсларини иборат «Давлат ахборот ресурсларининг қўшимча рўйхати ҳамда уларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича масъул давлат органлари рўйхати» тайёрланиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 февралдаги 34-сонли қарори билан тасдиқланди.

Ушбу соҳада олиб борилган ишларнинг самараси ўлароқ, жойлардаги давлат органлари сайтларининг кўрсаткичлари: веб-сайт очилиши, маълумот би-

лан тўлдирилиши, янгиланиш даврийлиги яхшиланди. Масалан, авваллари узоқ муддат фаолият кўрсатмаган Жиззах (jizzax.uz), Қашқадарё (qash.uz) ва Фарғона (fergana.uz) вилоятлари

ликлар — 93 фоиз, кўмиталар — 66 фоиз, марказлар — 90 фоиз, инспекциялар — 85 фоиз, ҳокимиятлар — 58 фоиз.

Давлат органлари сайтларининг узлуксиз фаолияти умумий ўртача кўрсаткичи — 91,5 фоизни ташкил этади.

Ҳозирги кунга келиб, www.uz миллий ахборот-излаш тизимининг ҳисоблагичларини сайтларга киритиш бўйича жадал ишлар олиб борилмоқда. Ушбу мақсадда бу ҳисоблагичлар 39 давлат органи сайтларида жойлаштирилган, 22 сайтда ҳисоблагич жойлаштирилмаган.

Ҳайъат йиғилишида мазкур йўналишда ҳали жуда кўп ишлар қилиниши зарурлиги таъкидланди. Хусусан:

- Агентлик тизимида яратилаётган ҳамда мавжуд ахборот-ресурсларини чуқур ўрганиб чиқиш ва улар негизида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ягона ахборот ресурслари каталогини шакллантириш;

- янги яратилган ёки режалаштирилаётган ҳамда ўзгартириш киритилган ахборот ресурслари бўйича маълумотнинг Агентлик киритилишини таъминлаш;

- яратилаётган ахборот ресурсларини келгусида бошқа турдаги ахборот ресурслари билан ўзаро ахборот алмашиши имкониятларини яратиш;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳамдўстлик ҳамда хоржий мамлакатларнинг ДАРларни ягона инфратузилма асосида ташкил этиш бўйича тажрибаларини ўрганиш;

- ҳар ярим йилда ДАРларни тўплаш, ташкил этиш жараёнида олиб борилган ишлар ҳажминини инобатга олган ҳолда таҳлилий ҳисобот тайёрлаш;

- ДАРларни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган ҳукумат қарорини тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш ана шулар жумласидандир.

Йиғилиш сўнгида қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

2007 йилда олиб борилган давлат органлари веб-сайтларининг мониторинг натижалари давлат органларининг тури бўйича куйидаги ўртача кўрсаткичларни намойиш этмоқда: Вазирликлар — 96 фоиз, давлат кўмиталари — 96 фоиз, агентликлар — 93 фоиз, кўмиталар — 66 фоиз, марказлар — 90 фоиз, инспекциялар — 85 фоиз, ҳокимиятлар — 58 фоиз.

ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг (sovminrk.gov.uz) сайтлари фаолияти бошланди. Аммо, 2008 йилнинг 21 январ ҳолатига кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг 61 сайтидан 5таси, яъни Давлат геология кўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Сирдарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари ҳокимиятларининг сайтлари фаолият кўрсатмапти.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металл агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш кўмитаси эса ҳалигача интернет тармоғида ўз сайтларига эга эмас.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларнинг ривожланишини мувофиқлаштириш кўмитасининг интернет тармоғидаги сайти қайта ишланаётганлиги сабабли ҳозир тест ҳолатида жойлаштирилган.

2007 йилда олиб борилган давлат органлари веб-сайтларининг мониторинг натижалари давлат органларининг тури бўйича куйидаги ўртача кўрсаткичларни намойиш этмоқда:

Вазирликлар — 96 фоиз, давлат кўмиталари — 96 фоиз, агент-

● YANGI XIZMAT TURLARI

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)


Хозирги кунда «Ўзбектелеком» АК таркибидagi филиал ва корхоналар таркибидagi рақамли АТС-ларда куйидаги кўшимча хизмат турлари тақдим қилинмоқда:

- Қисқа рақам териш;
- Рақам термасдан боғланиш;
- Кирувчи алоқани вақтинча таъқиқлаш;
- Кириш кўнғироқларини бошқа рақамга йўналтириш;
- Кирувчи ва чиқувчи алоқани вақтинчалик таъқиқлаш;
- Чақирувни кутиш;
- Буюртма бўйича абонентни чақириш;
- Автожавоббергич хизмати;
- Рақам термасдан қайта кўнғироқ қилиш;
- Абонент мурожаатига асосан телефон рақамини аниқлаш;
- Конференц алоқа;
- Чақирилаётган абонент банд бўлса, кўнғироқларни котиба ёки бошқа рақамларга йўналтириш;
- Сўзлашув вақтида маълумот олиш;
- Парол орқали шаҳарлараро телефон алоқасидан фойдаланиш — Авточақирув;
- Гуруҳланган рақам;
- Телефон рақамини аниқлаш;
- Фарқли кўнғироқ;
- Рўйхат асосида чиқувчи алоқани таъқиқлаш;
- Рўйхат асосида кирувчи алоқани таъқиқлаш.

Шу билан бир қаторда, бугунги кунда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси таркибидagi айрим филиал ва корхоналарда NGN (келгуси авлод тармоғи) технологиясига тегишли кўшимча хизмат турларини тақдим қилиш ҳам бошлаб юборилди. Жумла-

тенг рақам ажратилди, яъни 200 0000/200 9999. Видеотелефония хизмат туридан фойдаланиш учун махсус видеотелефон аппаратини харид қилиш талаб этилади. Бу хизмат учун бир ойлик абонент тўлови 77 000 сўмни ташкил қилади ва шаҳар ичидagi сўзла-

Кўшимча хизмат — ВИДЕОТЕЛЕФОНИЯ



● «Ўзбектелеком» АК рақамли станциялари орқали кўшимча хизмат турларини кўрсатишдан олинган даромад.

дан, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалида 2007 йилнинг декабр ойидан бошлаб янги турдаги «Видеотелефония» хизмати мижозларга тақдим қилинди. Бу хизмат учун «ТШТ» филиалига тегишли 200 перфиксдан 10000га

шувлар ҳеч қандай чегараланмаган (кириш ва чиқиш кўнғироқларига кўшимча вақтбай тўлови олинмайди). «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан 2008 йилда кўшимча хизмат турларини кўпайтириш ҳамда улардан олинадиган даромадни 2000 млн. сўмдан ошириш белгиланган.

Хуршид ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Ўзбектелеком» АК иқтисодий таҳлил, прогнозлаш ва тарифлар бўлими етакчи мутахассиси

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалида 2007 йилнинг декабр ойидан бошлаб янги турдаги «Видеотелефония» хизмати мижозларга тақдим қилинди.

● SEMINAR

Маърифатни тараққиётнинг асоси, саодатга элтувчи йўл деб билган отабобларимиз билимларни бойитиш, илм ўрганиш манбаи ҳамда маданий миллий меросимиз хазинаси сифатида қадимдан кутубхоналарни ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратиб келганлар.

Амалий ёрдам



Бу эътибор айна пайтда ҳам юқориликча қолмоқда. Буни кутубхоналарни тўлдириш ва китобларни сақлаш, у ерда ишловчилар учун етарли шароит яратиб бериш ҳукумат эътибори даражасида эканлигидан ҳам билса бўлади. Республика Президентининг махсус Фармони асосида кутубхоналар ахборот-кутубхона ҳамда ахборот-ресурс марказларига айлантирилиб, у ерда олиб бориладиган ишлар компьютерлаштирилмоқда, китоб фонди электрон тизимга ўтказилляпти. Бу муҳим тадбирларни амалга ошириш соҳа мутахассисларидан компьютер кўникмасига, тил билимига эга бўлишни, шунингдек, ҳужжатларни ҳисобга олиш тизимини мукаммал ўрганишни талаб этмоқда. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Фантехника ва маркетинг тадқиқотлари марказида Республика ахборот-кутубхона маркази мутахассислари томонидан ўтказилган семинар-тренингда соҳа ходимлари олдидан турган энг дол-

зарб масалалар муҳокама қилинди. Республикадаги барча ахборот-кутубхона марказларидан келган мутахассислар иштирок этган маъруза тадбирда ахборот-кутубхона марказлари ишини режалаштиришнинг умумий муаммолари, кутубхона фондини ҳисобга олишда ҳуқуқий-меъёрий ва услубий ҳужжатлар билан таъминлашнинг ахволи, ахборот-кутубхона марказининг йиллик режасини тузишда асосий эътиборни қаратиш лозим бўлган масалалар, ахборот-кутубхона, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналар фондини ҳисобга олиш, ахборот-кутубхона марказларида меҳнатни меъёрлаштириш каби мавзулардаги маърузалар йиғилганлар учун, айниқса, фойдали бўлди.

Республика ахборот-кутубхона маркази бош кутубхоначиси Дилором Қудратова ҳамда етакчи кутубхоначиси Мунира Махсумовалар икки кунлик семинар-тренинг давомида соҳа мутахассислари олдидан турган вазибалар, муаммо

ва камчиликларни мисоллар асосида тушунтириш билан бирга иштирокчиларнинг саволларига ҳам жавоб бердилар. — Вақти-вақти билан мана шундай семинарларни ўтказиб туриш давр тақозоси бўлиб қолди, — дейди Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази директори ўринбосари Гулнораҳон Исмоилова. — Бу сафарги семинардан ҳам катта қониқиш билан қайтганман. Кутубхона фондида коллекция сифатида сақланиб келинаётган архив ҳужжатларини ҳисобга олиш, йўқолган китобларнинг ўрнини тўлдириш, эскирган китобларни ҳисобдан қириш тартиблари борасида керакли маълумотларни билиб олдим. Бизга иш юритишимизда амалий ёрдам бераётган республика ахборот-кутубхона маркази мутахассис ва раҳбарларидан миннатдорман.

Муборак МИРКАМОЛОВА,
«Хабар» муҳбири

MOBIL XIZMAT YANGILIKLARI



2,8 МИЛЛИОН АБОНЕНТ

МТС-Ўзбекистон мобил алоқа оператори абонентлари сони 2007 йилнинг 31 декабрига келиб 2,8 миллионга етди.

2007 йилда компания мижозлари сони 93,2 фоизга ошди. Бу бир йил ичида 1,3 миллион янги абонент компания хизматларига уланганини билдиради.


Шунингдек, 2007 йилда МТС-Ўзбекистон томонидан Самарқанд, Наманган, Фарғона, Жиззах, Қитоб ва Янгийул шаҳарларида янги офислар очилди.

НУКУСДА ЯНГИ ОФИС

МТС компанияси Қорақалпоғистон Республикасида ўзининг янги офисини очди.



Нукус шаҳрида очилган янги офис Тўрткўл кўчасида жойлашган. Умумий майдони 150 квадрат метрни ташкил этадиган офис залида абонентларга тез ва самарали хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу ерда абонентларга 10та оператор хизмат кўрсатади, 3та кассада тўлов амалга оширилади.



«ЧЕМПИОН» ТАРИФ РЕЖАСИ

COSCOMнинг янги соҳибни TeliaSonera AB компанияси Ўзбекистон телекоммуникациялар бозорига етакчи бўлиш ниётида. Шу йилнинг 23 январидан бошлаб COSCOM компанияси ўзининг янги — «Чемпион» тариф режасини жорий қилди.

Абонент тўлови — 0, тармоқ ичидаги кириш кўнғироқлари — 0, Ўзбекистон бўйича чиқиш кўнғироқлари — 0,02, қолган кириш кўнғироқлари — 0,02. Бошланғич тўлов — 3\$.



XALQARO HAYOT

НАТО

ЁРДАМ БЕРМАСА...

Канада бош вазири Стивен Харпер маълум қилишича, агар НАТОга аъзо давлатлар Афғонистонга қўшимча кучлар киритмаса, 2009 йилнинг февралдан расмий Оттава ўз қўшинларини бу мамлакатдан олиб чиқмоқчи.

Бош вазирнинг сўзларига кўра, Афғонистонда, айниқса, канадалик ҳарбийлар хизмат қилаётган Кандаҳор вилоятида аҳвол оғирлашиб борапти. "Канада зиммасидаги мажбуриятни тўла адо этяпти, — деди С.Харпер. — Аммо айни дамда бизга ёрдам жуда керак. Агар вақтида ёрдам берилмаса, НАТОнинг нуфузига путур етиши мумкин".

Канада Афғонистонга 2002 йилда қўшин киритган. Ўтган олти йил давомида 78 канадалик аскар ҳалок бўлди.

ХРИЗ ЯНАҚАМОҚДА

"Tiscali News" тарқатган маълумотларга кўра, 2004 йилда Мадридда поезд портлатилишида асосий айбдор деб гумон қилинаётган Абдулаҳад Хриз кўлга олинди.



Портловчи модда тайёрланган уйдан бармоқ излари топилган Хриз 2006 йилда Сурияда ҳибсга олиниб, Марокаш ҳуқуқ-тартибот идораларига топширилган эди. Ўшанда у Мадриддаги портлашда айбдор деб топилди, суд қилинган ва қамалган эди. Аммо орадан кўп ўтмай озодликка чиқарилган. Абдулаҳад Хриз бу сафар Испания талаби билан қамоққа олинди.

Эслатиб ўтамиз: 2004 йилда Мадридда поезднинг портлатилиши оқибатида 200га яқин одам ҳалок бўлган, 1200 киши жароҳатланган эди.

ГАРОВДАГИЛАР

ОЗОД ҚИЛИНДИ

Покистоннинг шимоли-ғарбида 250 ўқувчи ва уларнинг ўқитувчиларини қуролланган номаълум одамлар гаровга олган эди.

"Associated Press" хабарига қараганда, мамлакат полицияси мактаб биносини ўраб олди. Ортиқча қон тўкилишининг олдини олиш мақсадида босқинчилар билан музокаралар ўтказилди. Музокараларга ўша ҳудудда яшовчи қабилалар бошлиқлари воситачилик қилишди. Музокаралардан сўнг болалар ва ўқитувчилар озод этилган. Босқинчиларга чиқиб кетиш учун йўл очиб берилган, уларнинг етти нафари полицияга таслим бўлган.

"Сюн Фэн-3"

"МОСКИТ" ДАН КУЧЛИ

Тайван ўзининг ҳарбий-денгиз флотига кема-ракетага "Сюн Фэн-3" деб номланган янги ракеталар ўрнатмоқчи.

Тайваннинг ўзида ишлаб чиқарилаётган ўшбу ракеталарнинг учиб тезлиги соатига 2000 километрни ташкил этади. Мутахассислар ракеталар айрим жанговар кўрсаткичлари бўйича Хитой кемаларига ўрнатилган Россиянинг "Москит" ракеталаридан кучлироқ эканлигини таъкидлашмоқда.



"Туманлар қалъаси"

АРЗОНЛАШТИРИЛДИ

"The Wall Street Journal" хабарига кўра, франциялик импрессионист-рассом Пьер-Огюст Ренуарнинг Париждаги уйи бир миллион еврога арзонлаштирилди.

"Туманлар қалъаси" деб ном олган бу уй 2007 йилда 4,5 миллион еврога сотувга қўйилган эди, аммо уни сотиб оладиган харидор топилмади. ХУІІІ асрда қурилган ўшбу тарихий бинонинг умумий майдони 297 квадрат метрни ташкил этади. Бу хонадонда кўглаб машҳур кишилар, жумладан Пабло Пикассо ҳам меҳмон бўлган.

Интернет материаллари асосида
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

● 2007-ЙИЛ — YOSHLAR YILI

Илми кўпга,

"Келажақ овози — 2007" кўрик-танловининг республика босқичида 700 нафар иқтидорли ва истеъдодли ёшлар иштирок эттишди. Уларнинг 64 нафари ахборот технологиялари ва компютерлаштириш номинацияси бўйича ўзаро куч синашишди. Улардан ўн нафарига кўрик-танловда муваффақият қозониш насиб қилди. Термиз маиший хизмат касб-ҳунар коллеж-лари толиби Зухриддин ТЕМИРОВ ғолиблардан бири бўлди.



хунар кўкка...

Термиз шаҳридаги 3-мактаб ўқувчиси Зухриддин компютер сирларини ўрганишга мустақил интилдди. Дастлаб шаҳарда очилган компютер ўрганиш курсига қатнай бошлади. Аммо бу ердаги амалиёт унга ёқмади. Очиғи, қимматли вақти зое кетишини дарҳол англаб етди.

Ўша кун хомуш ҳолда келаётган эди тоғаси Илҳом Мақсадқулов олтидан чиқиб қолди. Тоғасининг компютер харид қилганини ва уйига ўрнатганини эшитиб қувониб кетди.

— Қизиқининг зўрлигини сезиб турибман, — деди Илҳом таскин оҳангида, — Истанбул, ҳар кун бизниқига келишин мумкин. Зухриддин тез орада интилишларига мос имконият эшиги очилганини ҳис эта бошлади. Дарсдан бўш вақтларида Илҳомнинг ёнига келишни қанда қилмади. Боз устига, яна бир тоғаси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси мутахассиси Хуршид Мақсадқуловнинг амалий маслаҳати билан "Xabar" газетасида ёриштирилган "Компютер саводхонлиги" машғулларини мунтазам кузатиб борди. Натижада ҳам назарий, ҳам амалий билим сабаб зехн "тиғи" чархлана борди. Шунга қарамастан, соҳани янада чуқурроқ билишга бўлган иштиёқ безовта қила бошлади. Зухриддин мактабнинг 8-синфини битиргач, ёғзи таштилни Тошкент шаҳрида ўтказишга аҳд қилди.

Илҳомдан инглиз тилини пухта ўрганиб олгани пойтахтдаги "Эффект-молия" ўқув марказида кўл келди. Зухриддиннинг ўткир зехни тез орада кўзга ташланди. Мамлакатимизнинг турли манзилларидан келган тенгдошлари унга ўзгача ҳавас ва ҳурмат ҳисси билан боқа бошлади. Дастурлаш сирларини мукамал ўрганиб олган Зухриддин бир олам қувонч билан Термизга "Компютер оператори" мутахассислигини эгалаб қайтди. Мактаб ўқувчиси учун бу катта қадам эди.

Аслида иқтидор ҳам гулдек нозик бўлади. Озгина эътиборсизлик қилинса, имкониятларини тўла бермайди. Зухриддин устозлари ўғитидан хулоса чиқариб, ўрганганлари билан чекланиб қолмади, балки нузли чўққилар олдинда турганини дилдан ҳис қилиб, изланишда давом этди. Натижада биринчилар қатори ўзининг www.surxon.net веб-сайтини яратди.

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳамда неча минг йиллик тарихи лавҳалари унинг саҳифаларини ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларида беади. Бироқ "Келажақ овози — 2006" кўрик-танловининг республика босқичи ёш дастурчи меҳнати ҳали қиёмига етмаганлигини кўрсатди. Зухриддин омадсизликдан тушкун кайфиятга тушмади. Аксинча, ҳаққоний эътирозга ҳайрихоҳлик билан боқди. Илк синовни эзгулик йўлидаги довлонлардан бири деб билди. Шундай жўшқин туйғулар билан навбатдаги кўрик-танловга ҳозирлик кўра бошлади.

Устози Фарҳод Саъдуллаев ҳамкорликда веб-сайт саҳифаларини қайта кўздан кечириб чиқди. Ана шунда кўҳна Термиз обидалари ҳақидаги дастурий материалларни моҳият жиҳатдан янада бойитиш лозимлиги ойбек равшан бўлди. У китобий гаплардан кўра, шахсий мулоҳазаларини билдириш мақсадида вилоятнинг таниқли қадимшунос олимлари билан яқин мулоқотда бўлди. Ўз навбатида, уларга ҳам ўсмирнинг интилиш-

лари ёқди. Оқибатда обидалар ҳақидаги лавҳалар турли даврларда олинган суратлар билан тўлдирилди ва публицистик руҳда шарҳланди. Шунингдек, вилоят ҳаётига доир бошқа саҳифалар ҳам истиқлол берган имкониятлар доирасида тўлдирилди.

"Келажақ овози — 2007" кўрик-танловининг республика босқичига йўлланма олган Зухриддин Темиров энди Термиз маиший хизмат касб-ҳунар коллежи талабаси сифатида иштирок этди. У тақдир этган амалий ишларни мамлакатдаги энг тажрибали мутахассислар кўриқдан ўтказишди. Зухриддиннинг юзма-юз суҳбат чоғидаги ўзини тута билиши, лўнда жавоблари www.surxon.net веб-сайтидаги ишларга ҳамохан бўлди. Бундай мукамаллик муваффақиятнинг таъминлашда, шубҳасиз, катта аҳамият касб этди.

— "Келажақ овози — 2007" танловига энг иқтидорли ёшлар келишган эди, — дейди З.Темиров ҳажонли дамларни эсларкан. — Айниқса, менга бухоролик Аъзамжон Маҳмудов изланишлари жуда ёқди. Ундан дастурлаш жараёнидаги изчиллигини ўргандим. Агар улар ҳам мендан нимадир ўрганган бўлса, дўстона тажриба алмашганимиздан бахтиёрман.

Зухриддин танлов ғолиблари сафидан "Ахборот технологиялари ва компютерлаштириш" лойиҳаси бўйича муносиб ўрин эгаллади. Сир эмас, бу борада сохталик ё табиъ-билишлик иш бермайди. Ахборот асрининг ҳам муҳим талаби шу. Бир сўз билан айтганда, Зухриддин Темиров тинимсиз изланишлари, интеллектуал салоҳияти билан катта "кўпқари"да улоқни ҳалол айирди. Шу боис, у "Келажақ овози — 2007" кўрик-танлови ғолиблари қатори Тошкент ахборот технологиялари университети талабалигига имтиёзли тарзда ва муддатидан илгари қабул қилинди. Истиқлол шарофати билан кўлга киритилган бу ютуқ аввал отаси Алланазар Одиллов ва онаси Шарофат Мақсадқуловани, барча ёру биродарлар ҳамда устозларни қувонтириб ўборди.

— Биласизми, Ҳиндистон компютерлаштириш, дастурий маҳсулотлар соҳасида энг олдинда бораётган мамлакат бўлиб турибди, — дея оғуз-ўйларига бизни ошна қилди З.Темиров. — Ишонманки, келажақда мустақил Ватанимиз ҳам шу сафдан ўрин олади. Чунки, биз ёшлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқдамиз.

Дарҳақиқат, кўрсатилаётган гамхўрлик ва эътибордан илҳомланган Зухриддин Термиз маиший хизмат касб-ҳунар коллежиде муносиб шогирдлар тайёрлашни ҳам зиммасига олган. Ҳадемай, у коллежда компютерни ўрганувчилар курсини очди. Айни пайтда Зухриддин аъло баҳоларга ўқиш билан бирга Сурхондарё вилояти "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши қошидаги "Келажақ овози" марказида ахборот технологиялари координатори бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

Ҳа, донишмандлар айтганидек, "Илм кўпга, хунар эса кўкка етказилади". Бунга юртимизнинг Зухриддин Темировга ўхшаш, билимдон ва хунарпеша ёшлари ҳаёти ёрқин мисол бўла олади.

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Xabar"нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

ALOQA KORXONALARIDA

«Ўзбектелеком» АК «Фаргона Телеком» филиалида ходимлар билан ишлаш ва янги бошқарувга эътибор бериш замон талаблари даражасида олиб борилмоқда.

Эндиликда республика-миздаги энг илгор корхоналарда бўлганидек, филиалда ходимлар деганда чиким тушунилмайди. Балки ходимлар иш самарадорлигини оширишнинг энг муҳим ресурси ҳисобланиб, у билимдонлик билан бошқарилмоқда. Ривожланиш учун, ташаббус кўрсатишлари, таклифларини такдид этишлари учун шарт-шароит яратиб қўйилмоқда. Уларнинг профессионал ва интеллектуал ўсиши таъминланмоқда. Бунда эса марказлашган ходимлар ва ходимларни қайта тайёрлаш бўлими фаолияти муҳим ўрин тутди.

Бўлимнинг зиммасига масъулиятли вазифалар юкланган. Фаолияти ишга қабул қилиш, бўшашиш, мукофотлаш ва меҳнат вазифаларини бузгани учун чораларни расмийлаштиришдангина иборат эмас. Аввало, бўлим филиал касабга уюшмаси кўмитаси билан ҳамкорликда жамоа келишуви шартлари бажарилишига масъул. Малакавий тизимни яратди. Ходимларни танлаш, мослаштириш, касбга йўналтириш, ўқитиш, малака ошириш, рағбатлантириш, ходимларга бўлган эътиборни аниқлаш, меҳнатта оид муносабатлар белгиланган ҳужжатларни ишлаб чиқиш каби жуда кўп вазифаларни бажаради. Бу масалалар бўйича

ташкilot раҳбариятига ўз маслаҳат ва таклифларини беради. Энг асосийси, фили-

ди. Лекин жуда ёш бўлишига қарамай, юридик маълумотга эга, кадрлар ҳужжатларини юритишда тузуккина тажриба тўплаган, ҳар иккала алифбода ҳам ишлайверадиган Гулноза-хон Абилова фаолиятни қисқа фурсатларда тўғри ва пухта йўлга қўйишга муяссар бўлди. «Ўзбектелеком» АК қошидаги Инженер-техник марказида ма-

бир жон бўлиб ишлашга киришди. Ишларни бир тартибга туширди. Биринчи галда назорат яхшиланди. Иккинчидан, кўнимсизлик барҳам топди. Ходимларни қайта тайёрлашда бурилиш ясалди. Ўз вазифаларини тўла ҳажмда ва сифатли бажарадиган ходимларни маънавий ва моддий тақдирлаб бориш мунтазамлик касб этди. Бу, ўз навбатида, филиал даромадларининг муттасил ошиб боришида акс этадиган бўлди...

Ҳа, Гулнозахоннинг гапла-

Ходимнинг шахсий йиғма жи-лдида тўпладиган ҳужжатлар тури-чи? 15 турдан зиёдроқ. Хар бир ходим ҳақида тўлақо-ли маълумот олиш мумкин.

— Ҳужжатлар, айниқса, меҳ-нат дафтarchаси ходим ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, — дейди бўлим катта нозири Турғуной Тешабоева. — Улар ходимнинг касби, мутахассислиги, мала-каси, орттирган иш тажриба-си, иш стажини тасдиқлайди. Ишимиз гоят масъулиятли. Кўлимиздан Ўзбекистон Рес-публикаси конституцияси, фу-қаролик кодекси, меҳнат ко-декси тушмайди. Юртбошимиз-нинг фармонлари ва қарорлар-ини пухта ўрганишга ҳаракат қиламиз. Шунингдек, ишимиз-да «Кадрлар масалалари бўйи-ча маълумотнома» журнали кўл келмоқда, янги сонларини ин-тиқлик билан кутамиз.

Бўлимда хар бир ходим ўз компютерига эга. Улар ишга ижодий ёндашадилар. Гулно-захон ходимлар сони ва тарки-би, харбий хизматга мажбур шахслар тўғрисидаги ҳисобот-ларни дастурлаган бўлса, Тур-ғуной ходимлар бўйича барча маълумотлар тўплагани, яъни маълумотлар базасини дастур-лади.

Бўлим икки йилда катта-гина тажриба тўплади. Бу ерга йирик-йирик корхона-лардан тажриба ўргангани мута-хассислар таъриф буюрадилар. Бўлим жамоаси фаолият-ни янада юксак даражаларга кўтариш учун интиқланди.

Ҳафиза САЛҲОВА,
«Хабар»нинг Фаргона вилоятидаги мухбири

Қонунийлик, аниқлик, пухталиқ

кадрлар бўлими хизматчиларининг шиори ана шундай

ал фаолияти билан боғлиқ иш-ларнинг тўғри бориши, меҳнат интизомини назорат қилади.

Илгари хар бир телекомму-никация боғламасида ходим-лар бўлими фаолият юритар-ди. Икки йилдики, ходимлар бўлими ишида тубдан ўзгариш-лар амалга оширилди, марказ-лаштирилди ва номи ҳам юқорида таъкидлаганимиздек, марказлашган ходимлар ва хо-димларни қайта тайёрлаш бўлими деб юритила бошлан-ди. Ҳўш, бу кутилган натижани бердимиз?

Йигирмата боғлама ходим-лари ҳужжатларининг ўзи, улар-ни тартибга келтириш, ёши, ма-лакаси, мутахассислиги ва ҳоказолар бўйича жамлаш... Эҳ-ҳе, иш шу қадар кўпайган эди-ки, бош-учини топиб бўлмас-



лака ошириб қайтди.

— Чиндан ҳам бўлим мар-казлаштирилган, — дейди Гул-нозахон. — Турғуной Тешабое-ва, Саидяхон Аҳмедова ҳамда Кибрий Абдусаматова, Гулно-за Аҳмедовалар билан бир тан-

рида жон бор. Кадрлар бўлими доимо иш қайнайдиган жабҳа. Бу ерда юритиладиган ҳужжат-ларнинг ўзи 30га яқин бўлиб, уларнинг меҳнати, машаққати ўзига яраша. Вақт, диққат-эъти-бор, узвийликни талаб этади.

ELEKTRON POCHT@DAN MAKTUB

Иброҳимжоннинг янги соҳага ишга ўтганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Авваламга бу соҳа ўзига қизиқдай туюл-ди, лекин гап-гаштакларда журналларнинг турли ҳазил гаплари кўнглига оғир ботди. Шунда яқин дўстлари-дан бири: «Сен уларнинг гапларига хафта бўлма, оғайни. Аслида почтачиликда савобли касб бўлмасе керак. Одамларнинг ҳожатини чиқариб, раҳмат эшит-моққа нима етсин», деди.

Меҳнатидан эл мамнун

Шу бир оғиз ширин сўз шунга далда бўлди. Иши-ни иштиёқ билан давом эттирди. Иброҳимжон Парпиев узоқ йил-лар туманлараро савдо базасида меҳнат қилди. Лекин ҳаёт бир текис давом этавермас экан. Бир воқеа сабаб бўлиб у ишдан бўша-ди. Энди нима қилиш керак? Иш-лаб оила боқиш эркак кишининг зиммасида ахир. Иброҳимжон узоқ мулоҳазалардан сўнг Шаҳ-рихон туманидаги 2-почта алоқа-си бўлимига борди. Бўлим бош-лиги Музаффаржон Юсупов ва-зиятга тўғри баҳо бера олди. Ибро-ҳимжонни кўп йиллардан бери соҳанинг нонини еб, эл олқиши-га сазовор бўлаётган Мақсудбек Кўчқоров, Абдуҷаббор Қодиров, Шаҳобиддин Иномовлар билан таништирди. Иброҳимжон улар билан мулоқот давомида почта-чилик касбининг сир-асрорла-рини ўрганди, иш жараёнида эса шу касбга меҳр қўйди.

Бугунги кунда у хизмат кўрса-таётган ҳудуд аҳолиси Ибро-ҳимжондан мамнун бўлиб, ўз миннатдорчиликларини бил-дирмоқдалар.

— Иброҳимжон аҳолига на-мунали почта хизмати кўрса-тиш билан бирга, улардан газ, электр, сув тўловларини ҳам йиғиб топширмоқда, — дейди «Ўзбекистон» маҳалласи фуқа-ролар йиғини раиси Ойбек Йўлдошев. — Маҳалла аҳли унинг ҳалол ва камтарона меҳ-натларидан хурсанд.

Абдусамат кўчасида истико-мат қилувчи Жабборали Ума-ров ҳам у ҳақда илиқ фикрлар-ни билдирди.

Биз эл хизматида камарбас-та бўлиб, олқиш олаётган Ибро-ҳимжон Парпиевга узоқ умр, сихат-саломатлик тилаймиз.

Гулҷеҳра ЗОИТБОЕВА
Андижон вилояти



Ваъдаси сазовор

Ки хар ишники қилди одамизод,
Мафраккур бир-ла билди одамизод.

Ютуқлар мустаҳкамланади

Гулистон тумани почта алоқаси тармоғи «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сирдарё филиали бўғинидаги пешқадам жамоалардан бири ҳисоб-ланади. 41 нафар ўз касбининг фидойи-си жамланган жамоа пенсия ва нафа-қаларни, хат-хабарларни, жўнатмалар-ни, газета-журналларни, пул жўнатма-ларини қабул қилиш ва етказиб бериш, аҳолидан коммунал хизматлар ҳақини йўғиш, шунингдек, даврий нашрларга обунани ташкил этиш сингари хизмат-ларни кўрсатиб келмоқда.

Туман почта тармоғида 9та алоқа бўлими мавжуд. Жамоанинг саъй-ҳаракати боис, 2007 йил учун белги-ланган обуна режаси ҳам, йиллик да-ромад режаси ҳам ошиғи билан ба-жарилди.

Шуниси эътиборлики, тумандаги 7724 нафар пенсионер почта ходим-ларининг беминнат хизматларидан беҳад мамнун. Негаки, пенсия пулла-ри хар ойда ўз эгалари қўлига узил-тишларсиз етказиб берилаяпти. Боз устига, нафақадаги етти нафар собиқ почта ходимига, шароити оғир уч на-фар ёлғизга жамоа томонидан мунта-

зам равишда муруват ёрдамлари уюштириляпти. Утган йили кам таъ-минланган оилаларнинг 12 нафар фарзанди алоқа тармоғи ҳомийлиги-да дам олиш оромгоҳларида мазмун-ли ҳордиқ чиқариб келдилар.

— Ходимларимиз касбий малака-сини мустаҳкамлаш учун қатор тад-бирларни амалга оширялмиз, — дей-ди туман почта алоқаси тармоғи раҳ-бари Жамолиддин Низомиддинов. — Соҳага оид янгиликларни амалиётда қўллаш, турли кўрик-танловлар, ўқу-лар, семинар-тренинглар шулар жум-ласидандир. Мазкур тадбирларнинг фаол иштирокчилари Н.Гавриленко, М.Абборова, Т.Қосимов каби ходим-ларимиз туман ҳокимлиги ва Сир-дарё филиали маъмурияти фахрий ёрликлари ҳамда эсдалиқ совғалари-га сазовор бўлишган.

Гулистонлик почтачиларнинг 2008 йилги режалари улўғ. Мақсад — хиз-матлар сифатини ошириб, одамлар раҳ-матида сазовор бўлиш ва ўтган йилдаги ютуқларни мустаҳкамлашдан иборат.

Х.ПАРДАБОЕВА
Сирдарё вилояти



Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Трибуна специалиста



НАВИВНАЯ ТЕХНОЛОГИЯ СТРОИТЕЛЬСТВА ВОЛС

(Начало в №2,3,4.)

Подвешивание кабеля к проводам ЛЭП осуществляется на существующих линиях, находящихся в хорошем состоянии. Применялись различные технологии по подсоединению оптического кабеля к несущим проводам линии: с помощью ленты, зажимов и навивки. Навивка, как показала практика, оказалась наиболее удачной из всех этих технологий по всем показателям, таким как надежность системы, низкая стоимость монтажа, малые затраты на эксплуатацию, продуктивная работа, и на сегодняшний день является единственной жизнеспособной технологией присоединения оптического кабеля. Основная идея этой технологии состоит в том, чтобы использовать уже существующий грозозащитный трос или один из фазовых проводов (желательно нижних, так как это

позволяет избежать использования сложных подъемных механизмов) в качестве несущего проводника, на который наматывается специальный оптический кабель. При этом оптический кабель может быть малогабаритным и очень легким (около 40 - 50 кг/км), так как основная силовая нагрузка в этом случае приходится на несущий проводник. Для оптического кабеля с 24 волокнами диаметр составляет порядка 6 мм. Скорость работ навивочной машины достигает 250 м/ч.

Никаких работ по усилению несущей структуры не требуется, поскольку дополнительные нагрузки, привносимые навивочной машиной кабелем, ничтожны.

Тесты в аэродинамической трубе с моделированием гололеда и без него показали, что навивочный кабель не вызывает появления нестабильностей и неустойчивых состояний в

несущем проводнике. Исследования показали, что оболочка кабеля находящегося в электромагнитном поле разогревается примерно на 1-2 градуса выше температуры окружающей среды, что препятствует обледенению несущего провода при нулевой температуре.

Помимо этого надо отметить, что спиральный намотанный кабель образует с проводом систему, которая эффективно противостоит вибрации и расквашиванию кабеля, так как это делает петля спирали, намотанной вокруг трубы, при сильном ветре. Эффект заключается в том, что витки при направленном на них ветровом потоке создают своего рода завихрения, которые имеют противоположное направление основному потоку. Таким образом, снижение вибрации может достигать 60%. В лабораторных условиях было установлено, что максималь-

ное снижение вибрации достигается при соотношении диаметров кабеля и провода 1/1. На практике такое соотношение не достижимо, так как диаметр провода, как правило, составляет 22 мм, а диаметр кабеля - примерно 6 мм.

Структура навивочной оптической кабеля напоминает внутренность самонесущего кабеля. Вокруг центрального силового стержня располагаются трубки со свободно уложенным волокном вместе с заполнителем и системой водоустойчивости, заключенными в специальную внешнюю оболочку.

Кабель должен выдерживать как воздействие электромагнитных полей, наведенных параллельно проходящими фазовыми проводами, так и воздействие, любых внешних физических нагрузок. Независимо от навивки и загрузки волокна на протяжении всего кабеля должно обеспечиваться нулевое напряжение в оптических волокнах. С целью защитить внутренние волокна от проникновения влаги и смягчить возможные внешние нагрузки свободно уложенные трубки заполнены специальным гелем. Монтаж навивочного кабеля сравнительно быстр и осуществляется с помощью специальной монтажной машинки.

(Продолжение следует.)

Байсейт УТАБАЕВ,
директор дочернего предприятия ЦНТМИ «ALOGA VA TOZA ENERGIYA TEXNOLOGIYALARI»

Новости в сфере ИКТ

«Воздушный» интернет

American Airlines приступает к тестированию сервиса Wi-Fi на авиалайнерах Боинг 767-200. Авиакомпания уже завершила установку необходимого оборудования AirCell на двух самолетах, а до конца года доступ к высокоскоростному беспроводному интернету будут иметь еще 15 авиалайнеров. Широкополосный сигнал будет исходить с 92 сотовых вышек AirCell, расположенных в 48 американских штатах на частоте 3 ГГц. Оборудование для его приема установят в кабине экипажа. AirCell утверждает, что сервис можно сравнить с мобильной технологией скоростной передачи данных 3G.

В первое время интернетом смогут пользоваться только пассажиры трансконтинентальных рейсов, а позже и внутренних. О стоимости новой услуги авиаперевозчик пока не объявлял, но, предположительно, она составит 10 долларов США. Пассажиры смогут пользоваться электронной почтой, VPN и основными возможностями доступа в Сеть, кроме IP-телефонии.



Пауло Коэльо поддерживает пиратов

Пока рекорд-лейблы и кинокомпании рассуждают о вреде пиратства и падениях продаж своей продукции, популярный бразильский писатель Пауло Коэльо смело выкладывает на своем сайте ссылки на пиратские копии своих книг. Об этом он рассказал в ходе своего продолжительного выступления на конференции Digital Life Desing в Мюнхене.

Для этих целей писатель открыл специальный блог на базе площадки WordPress, который назвал Pirate Coelho («Пират Коэльо»). На страницах блога регулярно появляются ссылки на торрент-файлы и другие ресурсы, где можно скачать книги Коэльо на различных языках.

При этом автор не боится падения продаж. По словам самого Коэльо, после того, как он стал публиковать ссылки на пиратские копии своих книг, продажи легальных копий выросли в несколько раз. Писатель склонен видеть в этом заслугу именно пиратских ресурсов. Коэльо убежден, что благодаря возможности скачивать книги бесплатно у людей есть свобода выбора. Большинство скачавших, если им понравилась книга, все равно приобретают затем легальную копию.



Смартфоны вернулись в магазины

По данным аналитиков компании Opinion Research, 21% смартфонов, полученных в подарок на Новый год или Рождество в этом году, были возвращены в магазины. Эксперты называют в качестве главной причины возврата полученных в подарок устройств неспособность пользователей разобраться в их настройках и установках. Многие просто не понимают инструкций, прилагаемых к моделям. Возможно, такое положение вещей связано с тем, что смартфоны дарили людям, не особенно в них нуждающимся и не видящим особенной необходимости в том, чтобы разбираться с их возможностями, либо людям, попросту далеким от современных мобильных технологий. Opinion Research особо отмечает, что среди возвращенных моделей не было iPhone и RIM BlackBerry.

Ученые американского Университета Пердью работают над созданием новой системы обнаружения и слежения за радиационным излучением с помощью сети сотовых телефонов.

Мобильник может засечь ядерную бомбу



Эту систему планируется использовать в борьбе с ядерным терроризмом. Многие сотовые телефоны уже обладают GPS-модулями. В телефоны планируется встраивать недорогой, но в то же время очень чувствительный датчик радиации, способный засечь даже легкие следы радиоактивных материалов.

Если учесть, что сотовые телефоны есть практически у каждого жителя США, то в итоге получится глобальная система обнаружения радиационного излучения.

Исследователи протестировали работоспособность системы в ноябре прошлого года и убедились, что она может обнаружить слабое радиационное излучение на расстоянии в 4,5 метра от сенсора.

Система способна использовать данные от нескольких сотовых телефонов, а это гарантирует точное определение местонахождение и вектор движения источника радиации.



АФОРИЗМ

Все знания мира, что пошли мне впрок,
Я, глядя на пример невежд, извлек.



Хабарлар +tv



ОУНБОРОТ

Продюсатика
14.55 Курсулалар дастури.
15.00 «Таълимнома».
15.30 «Мен бир равиш».
15.55 «АЛДЕР НАВОБИ» - Видеобюльвар.
16.20 «Ормон бўйлаб» дастури: «Сурон мулоқоти».
16.35 «Хайт ва крону».
17.00 «Абсорб».
17.10 «Отман мерос».
17.20 «Ашлар ёни» Тоғай Мурод.
«Бозилар сайёра»
17.40 «Эртасиз» - ешқиллоқа етказилар.
18.00 «Совиқ адолатчилар»
18.05 «ТУРМУШ ЧОРАХАЛАРИДА»
18.50 «Бир кун»
19.15 «Оналар гушдири»
19.25 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 «Абсорб» (рус тилида)
20.05 «ТВ анжон»
20.10 «НИК ИЛГОН»
20.50 «Мен бир равиш»
21.00 «Абсорб»
21.35 «Парламент вақти»
21.55 «СНГТИ ҚУРОЛИНА»
23.00 «Қўшимчаси, мудаббат» (SMS. Сизга берилди)
23.15 «РАМАЯНА»
23.30-24.00 Тунги наволар.
«Дўна аста»
24.00 Курсулалар дастури.
00.05 «Алдер Навоиб» - Видеобюльвар.
00.30 «Қадимий ва адронвий Марғилон» (инглиз тилида)
00.50 «Отман мерос»
01.00 «Абсорб» (рус)
01.35 «Башар майрани»
02.35 «Баталикорлар»
03.25 «Бир кун»
03.50 «Ормон бўйлаб» дастури: «Зардуш-
лар»
04.00 «Абсорб»
04.30 Эски альбом.
04.35 «Отман мерос»
04.45 «Мен бир равиш»
04.50 «Турмуш чорахаларида»
05.40-05.55 Тоғтай наволар.

6.55 Дастурнинг ойнаши.
7.00 «Мўлҳазарнома»
9.00 «Башар майрани»
9.00 «Юштар»
9.20 Т/С «ДЕНГИЗ ХУҚМДОРИ»
9.55 «Икки»
10.00 «Дар» - Хафта якуни.
10.30 «Қамолот»
10.40 «Санат усталари»
11.00 Б/Ф «УТАН КУНЛАР»
12.30 «Зеро»
13.10 «Бугундан эскилар»
13.30 Т/С «ЕМГИР СИМОНЯНИСИ»
15.00 «Башар майрани»
16.00 «Дар» - Янгиланлар.
16.10 «Мен бир равиш»
16.30 «Башар ва таълим»
16.45 «Бозилар табиоси»
16.50 «Дарина боласи»
17.00 «Мўлҳазарнома»
18.00 Т/С «ДЕНГИЗ ХУҚМДОРИ»
18.35 «ИЗЕХ хабарлари»
18.40 «SMS-музыка»
18.55 «Икки»
19.00 «Дар» - Янгиланлар.
20.10 Т/С «ДЕНГИЗ ХУҚМДОРИ»
20.20 «Аллотури»
20.20 «Юштар FM»
20.30 «ИЗЕХ хабарлари»

ДУШАНБА — 4 ФЕВРАЛ

20.40 «Башар навоиб»
21.00 «Ю. Ёшлиқ»
21.05 «Юштар» анжониси.
21.10 Т/С «АЛДЕР»
21.55 «Икки»
22.00 «Дар» - Янгиланлар.
22.30 «Мулки мулто»
22.45 Т/С «ҚАЙТАР ДУНА»
23.30 «Андлилар саҳони»

ТОҶИКИСТОН

17.55 М/С «Бағри ва қирондоқ»
18.10 «Телекуратор - маркет»
18.25 «Биласимиз?»
18.30 «Юштар»
18.50 «Кавказ» - Телесериял.
19.20 «ТВ юриси»
19.25 «Музыка SMS»
19.50 «Саломат бўлинг» /рус/
20.00 «Юштар» /рус/
20.15 «ТВ юриси» /рус/
20.20 «Милларос» - Телесериял /рус/
20.50 «Интервю» /рус/
21.00 «Қозилар»
21.30 «Юштар»
21.45 «Янгиликлар»
21.50 «Телекуратор - маркет»
22.10 «Айл қалби»
22.30 «Юштар» /рус/
22.45 «Қиём SMS со звездари»
22.50 00.30 Кино: «Қиёмские бела»

СПОРТ

7.00 «Бозилар утун»
8.00 «Теле»
8.30 «Делетисим»
9.00 «Ворони»
9.30 «Малакани»
10.30 Сервал «Татлийани дани»
11.15 «Аллотури»
11.35-12.25 Волейбол. ЛЧ. «Уника»
(Кол) - «Динамо ТТ» (Рос)
...
18.00 «Полонизи»
18.20 «Тег-а-тег»
18.30 «Забарлар» (рус тилида)
18.50 «Муслим тайми»
19.15 «Спортнинг матеалилари»
19.30 «Дубул шаро»
19.50 «Спортло»
20.00 «Жи менен»
20.50 Дюдо. Забавитон чемпионати.
21.30 «Забарлар» (узб. тилида)
21.50 «Турнинг»
22.40 Х/ф «Вэй хорошо, вей это раждество»
00.10 «Тунгизга ошди бўлини»

БИРИНЧИ

05.00 Телеканал «Доброе утро»
09.00 12.00, 15.00 «Новости»
09.05 Телеканал «Доброе утро». Продолжение.
09.30 «Малакани»
10.30 «Контрольная закупка»
11.00 Сервал «Знаете ли вы?»
12.15 «Модный прегорос»
12.25 «Делетисим»
14.00 Другие новости
14.25 «Юну зинти»
15.20 «Плетни. Простити»
15.35 Сервал «Словесни»
15.55 «Федеральный судья»
18.00 Вечерние новости
18.20 «Жи менен»

19.10 Сервал «Принцесса цирка»
20.05 «Время»
21.00 Сервал «Громовы. Дом надгробки»
22.35 «Игорь Казаш. Точка отчета»
23.35 «Генети и апокали»
00.10 Новые новости
00.25 Комедия «Любовь на острове»
02.00 Худ. фильм «Последние бегство»
03.30 Худ. фильм «Последние бегство»
04.05 «История одного чудда»

РОССИЯ

05.00 «Доброе утро, Россия»
08.50 Х/ф «Третий лишний»
10.45, 11.00, 14.00, 17.00, 17.50, 20.00 «Вести»
11.25, 14.20 «Местное время. Вести - Москва»
11.45 Т/С «Честный детектив»
12.40 Х/ф «Подросток»
14.40 Т/С «Малека»
15.35 «Судимая»
16.30 «Кулаки и партерни»
17.30 «Местное время. Вести - Московская область»
18.05 Т/С «Женщина без прошлого»
19.00 Т/С «Рыцари любви»
20.30 «Местное время. Вести»
20.50 «Спокойной ночи, малыши»
21.00 Т/С «Вызов»
22.55 «Делурный по стране». М. Жванецкий.
23.35 «Вести ++»
00.15 «Честный детектив»
00.45 «Синемания»
01.15 «Дорожный патруль»
01.35 Х/ф «Клуб женихи»

НТВ

05.00 «Сегодня утром»
09.00 «Сегодня утром»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.40 Сегодня.
10.20 «Чрезвычайное происшествие»
10.55 «Кулинерный подвигос»
11.55 «Квартирный вопрос»
13.35 Т/С «Сашка»
13.50 «Чрезвычайное происшествие. Обозор»
16.30 Т/С «Улицы разбитых фонарей»
18.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор»
19.40 Т/С «Закон и порядок»
20.40 Т/С «Формула страсти»
21.40 Т/С «План Б»
23.05 Т/С «Улицы разбитых фонарей»
00.05 «Школа злодеев». Д. Морозов.
01.00 «Шайтанов»
01.30 Комедия «Фаридани»
03.05 Т/С «Клиент всегда мерзт Б»

КУЛЬТУРА

07.00 Канал «Евроюрос»
10.00 19.30, 23.30 «Новости культуры»
10.20 «В главной роли»
10.50 Х/ф «Гроз»
12.15 «Живое дерево ремесло»
12.25 «Леген жизни». А. Миллудде.
13.20 «Мой Эрмитаж»
13.50 Телеэксиклет «Набиков. Машенилар»
15.25 «Мирани Сперанскай: забытый реформатор»
15.55 «Порядок слов»
16.00 М/ф «Вокруг света с Вилли Фогел»
16.25 М/ф «Защ. Кошки и Розенко»

16.35 «Путьяни всереиз»
17.00 Д/ф «Евклид»
17.05 Д/с «Африка у поверхности земли»
«След»
17.35 «А. Пушкин: «Благий Ангел»»
18.00 Д/ф «Металлургический завод в Челябинске. Железо, достойное памяти»
18.15 «Достоиние республикани». Новонорусалимский монастырь.
18.30 «БлонЮТ»
19.00 «Новый проект»
19.50, 01.40, Д/с «Ботанические открытия»
«Первое крупномасштабное путешествие»
20.50 «Театральная летопись»
21.20 «Острова». Иосиф Репонатор.
22.05 «Оружие победы: ИЛ 2»
22.35 «Тем временем»
23.55 «Про АРТ»
00.20 «Экология литературы». Северная глава. Чель Весте.
19.50, 01.40, Д/с «Ботанические открытия»
00.50 Д/ф «Султан на Одрине»
01.15 П.И. Чайковский «Ромео и Джульетта»
02.40 Д/ф «Металлургический завод в Челябинске. Железо, достойное памяти»

СТС

08.00 Т/С «Нудеса наузи»
08.55 М/с
09.00, 19.00 Т/С «Моя прекрасная няня»
09.30, 21.00 Т/С «Пальмы дожи»
10.00, 22.00 Т/С «Одна нога выше»
11.00, 20.30, 02.00 История в деталях.
11.30 «Кто улетит последним?»
12.30 Т/С «Благие Рождениа. Следствие ведут сыщики 2»
13.30 Т/С «Пети великославяни»
14.30 Т/С «Войска авиационни»
15.00 М/с
18.00 Т/С «Сабрина - маленькая ведьма»
18.30 «Галилео»
19.30 Т/С «Тайны Сицилии»
23.00 Т/С «Атлант»
00.00 Х/ф «Американский парок»
02.30 Т/С «Тринадцатый»
03.30 Комедия «Собственный день»

НТВ3

8.00 М/ф
11.30 Х/ф «РОЗОВАЯ ПАНТЕРА НАНОСИТ ОТВЕТНУЮ УДАРУ»
13.30, 17.00 «Успеть за 23 минуты»
14.00, 22.00 «Разушители мифов»
15.00, 19.00 Т/С «ЗВЕЗДНЫЕ ВРАТА»
16.00 Т/С «МАСТЕРА ФАНТАСТИКИ. ОТБРОСЫ»
17.30 «Икс»
18.30 Т/С «МУРАШКИ»
20.00 Т/С «КРЕПКИЙ ОРЕШЕК ДЖЕИ»
21.00 Т/С «НОВЫЙ ДЕНЬ»
23.00 Х/ф «ГОРЕЦ-2»
1.00, 3.30 Т/С «БАЙКИ ИЗ СКЛЕПА»
1.30 Х/ф «ОБОРОТЕНЬ»
4.00 Культ на личности.

ТНТ

06.00 Т/С «Любовь и тайны Санкт Бен»
06.55 «Глобальные новости»
07.00, 13.30, 19.00 Такси.
07.30 М/с
08.00, 19.30 Москва: инструкция по применению.
08.30 «Нобелизация» по факту.
09.30 Т/С «Саша + Маша»
10.00, 18.00, 20.00 Т/С «Счастливы вместе»
11.00 М/с
14.00 Т/С «Саша + Маша»
14.30, 21.00, 23.55, 02.55 «Дом 2»
15.20 Триллер «Время убивать»
22.00 Комедия «Нервное любление»

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "САРОИ ЖАВОБИРИ".
7.35 "Юртим бўйлаб" дастури: "Икки дарах оралиғида".
7.55 "Олтин мерос".
8.00-8.35 "Абдор".
8.35 "Минг бир ривоят".
8.40 "АЛШЕР НАВОИИ". Видеофильм.
"Болалар сайраси".
8.15 "Яна, Инда, Тон!" Телемусоба.
9.55 "Делгиз итлари". Мултириал.
10.20 "Хайт манзаралари".
10.30 "Кунин хаммасида".
10.35 "Сизнинг адрокантингиз".
10.55 "ТВ шафкор".
11.00 "Абдор".
11.15 "АНЧИК ЕЛФОН".
11.50 "Абдор" (инглиз тилида)
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон" Кундузи дастури.

13.00 "СЎНГИ КИРОЛИЧА".
13.55 "Олтин мерос".
14.00 "Абдор".
14.20 "ТУРМУШ ЧОРАХАЛАРИДА".
15.05 "Юртим бўйлаб" дастури: "Икки дарах оралиғида".
15.25 "Интеллектуал ринг".
16.10 "Бир кун".
16.35 "ИИБ хабарлари".
16.50 "Дунё манзаралари".
17.00 "Абдор".
17.10 "Олтин мерос".
17.20 "Ўзбекистон авли".
"Болалар сайраси":
17.40 "Эргаклар - ҳашилка етаклар".
18.00 "Минг бир ривоят".
18.05 "ТУРМУШ ЧОРАХАЛАРИДА".
18.55 "Худудлар қайти".
19.10 "Осиёлик суқанда".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Ўзбеклар.
19.30 "Абдор" (рус тилида)
20.05 "ТВ шафкор".
20.10 "АНЧИК ЕЛФОН".
20.50 "Минг бир ривоят".
21.00 "Абдор".
21.35 "Евулак исидан" Хужжатли фильм
21.55 "СЎНГИ КИРОЛИЧА".
23.00 "Кўшинамсан, мудабат" (SMS. Овоз берил)

23.15 "РАМАЯНА".
23.25-24.00 Тунги навалар.
"Пайғамбар".
24.00 Курсатувлар дастури.
00.05 "Алшар Навоии". Видеофильм.
00.35 "Кўра ва арфавий Маринсон" (инглиз тилида)
00.55 "Олтин мерос".
01.00 "Абдор" (рус)
01.35 "Минг бир ривоят".
01.35 "Ешлар майдоғи".
02.35 "Чемпион".
03.00 "Абдор" (инглиз тилида)
03.10 "KINOMANIYA".
03.40 "Истиёда".
04.00 "Абдор".
04.30 Эсин альбом.
04.35 "Олтин мерос".
04.45 "Минг бир ривоят".
04.50 "Турмуш чорахаларида".
05.40-05.55 Тонти навалар.



6.55 Дастурлар очилди.
7.00 "Мультизаорама".
8.00 "Ешлар майдоғи".
9.00 Ешлар йилги. "Чемпион".
9.20 Т/С "ДЕНГИЗ ХУМДОРИ".
9.55 "Икким".
10.00 "Давр". Янгиланди.
10.10 "Ватанларим".
11.00 Б/Ф "ХАЛОСКОР".
12.45 "Ешлар ва талим".

10.00 "Давр". Янгиланди.
13.10 "Ешлар ила сайбат".
14.00 Т/С "АЛИЯ".
14.40 "Мулки мултоз".
15.50 "Ешлар ва замон".
15.00 "Ешлар майдоғи".
16.00 "Давр". Янгиланди.
16.10 "Тараним".
16.50 "Дилнинг боғаси".
17.00 "Мультизаорама".
18.00 Т/С "ҚАЙТАР ДУНЕ".
18.40 "SMS-музыка".
18.55 "Икким".
19.00 "Давр". Янгиланди.
19.30 Т/С "ДЕНГИЗ ХУМДОРИ".
20.10 "Автопарул".
20.20 "Калжак агапари".
20.30 "Cosmos" дан бахти ўнгалик.
20.40 "Ешлар навои".
21.00 "О, вилгим...".
21.05 "Йошлар" аяналаси.
21.10 Т/С "АЛИЯ".
21.55 "Икким".
22.00 "Давр". Янгиланди.
22.30 "Мулки мултоз".
22.45 Т/С "ҚАЙТАР ДУНЕ".
23.30 "Аксодлар сароғи".

17.55 М/с: "Барби ва кароидж".
18.10 "Телерайер - маркет".
18.25 "Бизаским?".
19.30 "Йойтав".
18.50 "Камил". Телесернал.
19.20 "ТВ крикст".
19.25 "Музыка SMS".
19.50 "Хумоя".
20.05 "Йойтав" (рус/).
20.15 "ТВ крикст" (рус/).
20.20 "Милгазр". Телесернал (рус/).
20.50 "Репортаж".
21.00 "Жазба".
21.30 "Йойтав".
13.49 «Рубка с Радзиевским»
15.15 Бойлер. КМ.
15.15 Волейбол. «Матч звезд».
Мужчины.
17.10 Бадминтон. Чемп. России.
18.20 «Путь Дракона»
19.10 Баскетбол. КР. Мужчины. 1/2
финал. «Динамо» (М) - «Химки»
21.25 «Рубка с Радзиевским»
21.40 Баскетбол. КР. Мужчины. 1/2
финал. УНИКС (Казань) - ЦСКА.
00.05 Прокки в воду. КЕ.
02.15 Баскетбол. КР. Мужчины. 1/2
финал. «Динамо» (М) - «Химки»
04.10 Баскетбол. КР. Мужчины. 1/2
финал. УНИКС - ЦСКА.

Пайшанба

07.10 Кюмокобей спорт. ЧМ
08.45, 11.00, 15.00, 18.45, 23.45, 02.35
«Вести-спорт»
09.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф
09.35 М/с
10.00 «Зарядка с чемпионом»
10.15 Т/с «Свои команда»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 «Путь Дракона»

11.40 Прокки в воду. КЕ.
13.40 Бойлер. КМ. Командные
соревнования.
15.10 Регби. Шотландия - Франция.
17.05 Бадминтон. Чемп. России.
18.15 «Точка отрыва»
19.55, 20.35, 01.40, 02.45 Билтон. КМ.
21.40 Баскетбол. КР. Мужчины.
Финал.
00.05 Профбокс. Виг Дарчин - Виктор
Бургос.
01.10 «Точка отрыва»
03.35 Баскетбол. КР. Мужчины.
Финал.

Жума

06.55 Кюмокобей спорт. ЧМ
08.45, 11.00, 15.20, 17.40, 23.00, 02.05
«Вести-спорт»
09.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф
09.35 М/с
10.00 «Зарядка с чемпионом»
10.15 Т/с «Свои команда»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 «Точка отрыва»
11.25 Агоспорт. Международный
серия «А1»
13.00, 14.30, 02.15 Скелетон. КМ.
04.00 «Сборная России». Е. Лобашева.
15.30 Баскетбол. КР. Мужчины.
Финал.
17.25 «Рубка с Радзиевским»
17.50, 22.55 Теннис. Кубок Дэвиса. 1/8
финал. Россия - Сербия.
20.55 Гаубол. ЛН. Мужчины.
«Чеховские медведи» (Рос) - «Адемар
Лиз» (Исп).
22.50 «Вести-спорт. Местное время»
00.15 Агоспорт. Международный
серия «А1».

Шанба

07.10 Гаубол. ЛН. Мужчины.
«Чеховские медведи» (Рос) - «Адемар

Лиз» (Исп).
09.00, 11.00, 15.00, 19.45, 23.40, 03.05
«Вести-спорт»
09.10 Скелетон. КМ.
11.10 «Вести-спорт. Местное время»
11.15 «Легенда спорта»
11.45 Профбокс. Виг Дарчин - Виктор
Бургос.
12.58 Легкая атлетика. Международный
турнир.
15.10 Бойлер. КМ. Мужчины. Двойки.
17.25, 00.15 Кюмокобей спорт. ЧМ.
18.10, 01.20 Билтон. КМ.
19.55 Волейбол. Чемп. России.
Мужчины. «Локомотив-Белогорье»
- «Факел»
21.45 Теннис. Кубок Дэвиса. 1/8
финал. Россия - Сербия.
00.00 «Вести-спорт. Местное время»
03.15 Регби. Уэльс - Шотландия.

Якшанба

07.00 Волейбол. Чемп. России.
Мужчины. «Локомотив-Белогорье»
- «Факел»
09.00, 11.00, 15.15, 18.30, 23.55, 02.25
«Вести-спорт»
09.15 Гаубол. ЛН. Женщины. «Выбор»
(Дан) - «Завалд» (Женщины. «Выбор»
(Дан) - «Вести-спорт. Местное время»
11.10 «Вести-спорт. Местное время»
11.15 «Страна спортивная»
11.45, 15.30, 17.30 Бойлер. КМ.
13.05 «Лыжи России»
15.15 Регби. Франция - Ирландия.
16.20 «Сборная России». Е. Трефилов.
16.55, 22.00 Кюмокобей спорт. ЧМ.
18.40 Теннис. Кубок Дэвиса. 1/8
финал. Россия - Сербия.
03.15 «Вести-спорт. Местное время»
00.25 Футбол. Чехия - Италия. «Катанья»
- «Иттер»
02.35 Билтон. КМ.
04.15 Регби. Италия - Англия.

JAHON POCHTASI



Мамлакат ҳақида

Исроил давлати Осиёнинг жануби-ғарбида, Урта Ер денгизининг шарқий соҳилида жойлашган.
 Худуди — 21596 квадрат километр.
 Аҳолиси — 7,03 миллион киши (2006 йил). Яхудийлар — 76 фоиз, араблар — 20 фоиз, МДХ ва хорихдан кўчиб келганлар — 4 фоиз.
 Давлат тили — иврит ва араб тиллари.
 Мамлакат субтропик минтақада жойлашган, ёмғир асосан киш оиларида ёғади. Январда ҳаво ҳарорати Куддусда ўртача 5°-13° С, Хайфада 9°-18° С, июлда Куддусда 17°-31°С, Хайфада 24°-31° Сни ташкил этади.

Исроил почтаси
 УЛКАН ИСЛОҲОТЛАР
 БЎСАҒАСИДА

Исроил почта компанияси мамлакатдаги энг йирик тармоққа эга давлат почта хизмати ҳисобланади. Компания бозор иқтисодиётининг рақобатга асосланган тамойиллари асосида энг сўнгги технологиялардан фойдаланган ҳолда кенг қўламдаги хизматларни кўрсатмоқда. Мамлакат бўйлаб халқаро стандартлар даражасида юқори сифатли почта хизматлари йўлга қўйилган.

Доар Исраэл



2006 йили Исроил почта компанияси хизматлари айланмаси 1,682 миллиард шекел (таxminан 440 миллион АҚШ доллари)ни ташкил этди. Уша йили 800 миллион шекел даромад олинди.

Давлат почта хизмати мамлакат коммуникациялар вазириликка бўйсунди. Мазкур вазирилик аввалига транспорт вазирилик таркибида фаолият юритар ва почта жўнатмалари ҳамда телефон ва телеграф хизматлари бўйича маъмул эди. Почта жўнатмалари бўлими 1952 йили Почта вазириликка айлантирилди, 1971 йилда эса Телекоммуникациялар вазириликка бирлаштирилди. 1987 йили Исроилда мамлакат почта хизмати вазириликка ажратилди. Почта бошқармаси ташкил этилди.

2006 йилги мамлакат ҳукумати томонидан ўтказилган почта соҳасидаги ислохотдан сўнг Почта бошқармаси давлат компаниясига айлантирилди. Кейинчалик "Доар Исраэл" (Исроил почта компанияси)ни акциядорлик жамиятига айлантириш ҳам ҳукумат режасига киритилган. Жорий йилда компаниянинг акциялари Тел-Авив биржасида бўлиши мумкин.

2003 йилги ҳукумат қарориди Исроил почта хизматлари бозори рақобат учун ҳар томонлама очиқ бўлиши шартлиги таъкидланган. 2006 йилнинг ёзида мамлакат почта бозорини монополиядан чиқариш томон илк қадам ташланди — бир нечта хусусий компаниялар почта жўнатмаларининг бир қисмини етказиб бериш ҳуқуқини қўлга киритди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас компаниялараро рақобат кучайиб

кетди. 2009 йили буюртма хат-хабарлар соҳасида ҳам рақобат эшиги очилиши кутилмоқда.

2007 йилнинг март ойида Исроил ҳукумати акцияларни биржага қўйиш орқали Исроил почта компаниясининг 49 фоиз улуши сотилишини маълум қилди. Компания нархи молия вазирилик томонидан 1 миллиард шекелга, Почта банки эса бор-йўғи 100 миллион шекелга баҳоланди. Фурсатни бой беришни истамаган Исроилнинг икки йирик тижорий банки биринчилар қаторида Почта банкни сотиб олиш ниятини билдиришди. Бу борада фақат банкка қўйилган баҳонинг пастлиги эмас, балки унинг сертармоқ бўлими ҳам рақобатчилар диққатини тортган бўлса эҳтимол. Шунга қарамаздан, ҳозирча ҳукуматдагилар банкни тўлиқ сотиш керами ёки ўз хизматларини сотиш учун тижорий банклар билан ҳамкорликда қўшма корхона очиш керами — аниқ бир тўхтамга келишганича йўқ.

Барчадан барчага, ҳар ерда, ҳар куни ва бир хил нархда

2006 йили ҳукуматнинг "Исроил почтасида ислохот ўтказиш" режаси доирасида янгиланган "Исроил почта компанияси" томонидан почта хизматлари йўлга қўйиладиган бўлди. Бу ташкилот "Барчадан барчага, ҳар ерда, ҳар куни ва бир хил нархда" шиори остида универсал почта хизматлари кўрсатмоқда. Ҳар куни 1650 нафар почтачи жўнатмаларни етказиш учун хонадон ва ишхоналарга ташриф буюради, почта бўлимларидаги икки минг нафар хизматчи эса кунига 100 мингдан зиёд мижозга почта ва банк хизматлари кўрсатади. Компанияда бир гуруҳ профессионал менежерлар фаолият юритмоқда. Улар иқтисодиётнинг барча йўналишлари учун почтага оид бизнес қўланмалари ишлаб беришдади. Жамият ҳаётига тааллуқли ва ижтимоий йўналишдаги аксарият лойиҳалар мамлакат бош почта хизматчиси иштирокисиз ўтмайди.



Миллий почта хизмати зиммасидаги вазифалар масъулияти жуда улкан. Жумладан, мамлакат бўйлаб ва чет элга почта жўнатмалари ҳамда пул ўтказмаларини етказишда етакчилини қўлга олиш компания мутасаддилари олдидаги бирламчи масала бўлиб турибди. Компания замонавий технологиялари, кенг ассортиментдаги хизматлари билан рақобат муҳитига мослашиб бораётти. Халқаро стандартлар асосида мамлакат бўйлаб юқори сифатли хизматлар йўлга қўйилган. Компания почта банки орқали барча фуқаролар учун бир хил имтиёзда илғор молиявий хизматлар кўрсатмоқда.

Исроил почта компаниясига ҳос уч жиҳат борки, улар рақобатда ҳар томонлама устунликини таъминлайди:

Замонавий технологиялар. Исроилнинг учта саралаш марказидаги энг янги саралаш линиялари, барча почта бўлимларидаги компютерлаштирилган хизмат кўрсатиш масканлари, компютерлаштирилган банк тизими, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи почта автоматлари.

Логистика инфратузилмаси. Ҳар куни мамлакатдаги барча мижозларга хизмат кўрсатишга қодир улкан транспорт жамланмаси, почта жўнатмалари йиғими ва жўнатилиши назоратини амалга оширувчи замонавий қурилмалар.


Мижозларга хизмат кўрсатиш. Ўз хизмат ҳудудидаги барча манзилларни беш қўлда билувчи профессионал ва ҳушмуомала почтачилар, почта бўлимларидаги юқори малакали почта хизматчилари, бошқарилувчи ва компютерлаштирилган телефон марказлари.

(Давоми бор.)

ALOQA OLAMIDA

ЯНДЕКС ЕТАКЧИ
 ЎНЛИКДА

ComScore компанияси жаҳон интернет излаш сервисилари бозорининг 2007 йил декабр ойидаги ҳолатига доир тадқиқот яқунларини эълон қилди.



Найдётся всё

Маълум қилинишича, бу ойда дунё бўйича 66,2 миллиард интернет-сўров бўйича излов амалга оширилган.


Google компанияси ҳамон яққол пешқадам бўлиб турибди — 41,3 миллиард сўров; бозорнинг 62,4 фоизи. Кейинги погоналарни Yahoo! (8,5 миллиард сўров; 12,8 фоиз) ва Хитойнинг йирик тармоқ изловчиси Baidu.com (3,4 миллиард сўров; 5,2 фоиз) банд этган.

Россиянинг "Яндекс" компанияси илк бор етакчи ўнликка кирган — унинг хизмати орқали декабрда 566 миллионта сўровнома амалга ошган. Бу умумий бозорнинг 0,9 фоизи демакдир.

GOOGLE — 2008
 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ
 ИШ БЕРУВЧИСИ

Ишбилармонлар нашри Fortune

2008 йилнинг энг яхши 100та иш берувчи компанияси рўйхатини чоп этди.



Бу тадқиқотда 406 компаниянинг 100 мингдан ортққоқ ходими иштирок этиб, ўз компаниялари тўғрисида фикр билдиришди.

Fortune шоҳидлик беришича, Google компанияси нафақат қўлай иш шароити ва профессионал ўсишни таъминловчи даргоҳ, балки бўлажак миллионерлар учун дастлабки пиллапоя вазирилик ҳам бажараркан. Чунки унда ишловчиларнинг 99 фоизи компания акцияларини имтиёзли нархларда олиш имкониятига эгадирлар.

Ўз ходимларига қайғуриш борасида Googleнинг рақиблари анча паст кўрсаткич қайд этган. Масалан, Yahoo! 87, Microsoft компанияси 86-погондан ўрин олган.

NOKIA АКЦИЯЛАРИ
 БАҲОСИ ОШМОҚДА

Nokia компанияси 2007 молиявий

йил тўртинчи чораги натижаларини эълон қилди.



Connecting People

Фин компаниясининг соф фойдаси бир йилда 44 фоизга ошиб 1,8 миллиард еврога етган. Ўтган йил тўртинчи чорагида умумий савдо ҳажми 15,7 миллиард еврога ташкил этган.

2007 йилнинг сўнгги уч ойида Nokia маркази остида чиқарилган 133,5 миллионта мобил телефон аппарати сотилган. Бу компаниянинг уч асосий рақиб (Samsung, Motorola, SonyEricsson) умумий натижасидан юқоридир.

Чорақ молиявий натижалари эълон қилинганидан сўнг Nokianing қимматбаҳо қоғозлари баҳоси 14,3 фоизга ошиб, битта акцияси нархи ўртача 23,71 еврога етди.

Тахририятдан: Ҳурматли газетхон!

Сиз яна қайси мамлакатларнинг почта, телекоммуникация тизимлари фаолияти билан танишмоқчисиз? Бу ҳақдаги тақлиф ва истакларингиз битилган мактубларни кутиб қоламиз.

IQTIDORLI YOSHLAR – YURT TAYANCHI

УЛУҒБЕКНИНГ УЛУҒ МАҚСАДИ

Бугунги кунда юртимизда ҳар соҳада кучли билимга эга, иқтидорли, оламшумул янгилликларга қўл ураётган ёшлар сафи тобора ортиб борапти. Улар истиқлол берган имкониятлардан умумли фойдаланиб, ўзларнинг нимаюларга қодир эканликларини намойиш этмоқдалар. Шундай ёшлардан бири Улуғбек ХАСАНОВдир.



Даниядаги ўқитувчилар малакасини ошириш курсида таълим олиш имкониятини қўлга киритди.

— Данияда ўқитганимда менга ўша ердаги ёшларга инглиз тилидан сабоқ берувчи ўқув маркази очиш таклифи тушди, — дейди Улуғбек, — Қанчалик шарафли бўлмасин, бу таклифни рад қилдим. Чунки, кўз олдимдан юртимизнинг билимга чанқоқ ёшлари кетмас, дилмида улар учун ўқув маркази очиш гоёси пайдо бўлган эди. Хориждан қайтганимдан сўнг ота-онам ва устозларим билан шу ҳақда маслаҳатлашдим, улар фикримдан қувонишди, мени қўллаб-қувватлашди. 2004 йилда Бухоро шаҳрида тил ўрганиш марказини ташкил қилдим. Марказимизни аввалига «Инглиз тилини ўргатиш» дея номладим. Уйлаб кўрсам, ёшларга фақат инглиз тилидан эмас, балки уларнинг хоҳишига қараб бир неча тиллардан сабоқ бериш афзалроқ экан. Шу тариқа «Effective Study» тил ўргатиш маркази пайдо бўлди. Бир йилдан сўнг Тошкент ва Навоий шаҳарларида ҳам марказимизнинг филиалларини очишга муваффақ бўлдик.

«Effective Study» ўқув марказида Улуғ-

бекнинг хорижда олган малакасига таянган ҳолда тузиб чиққан махсус дастури асосида машғулотлар олиб борилади. Марказга келган ҳар бир ўқувчи биринчи дарсни бепул олади. Дарс давомида олган билимларидан қониқиш ҳосил қилганларгина ўқишни давом эттиришлари мумкин. Бу ҳозирги бозор иқтисодиёти шaroитидан келиб чиққан энг маъқул йўлдир. Бундан ташқари, кўпгина ўқув қўлланмалари ва лўғатлар асосан рус тилида бўлгани боис, ўзбек ўқувчиларига рус тили, русийзабон ўқувчиларга эса ўзбек тили қўлимга тил сифатида бепул ўргатилади. Ҳозирда ушбу ўқув марказида олти юздан ортиқроқ ёшлар инглиз, араб, немис, турк, италян, француз ва рус тилларидан сабоқ олишмоқда. Марказнинг малакали ўқитувчилари орасида хорижий педагогларнинг ҳам борлиги дарслар унумдорлигини оширяпти. Шунингдек, бу ерда компьютер сабоқлари ҳам самарали олиб борилади. Яна эътиборли бир жиҳат: марказ «Савоб» хайрия таълим дастурига ҳам эга. Ушбу дастур маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда йўлга қўйилган бўлиб, кам таъминланган оилаларга ва ногиронларга чет тилини ўргатади. Бу маърифатли Улуғбекнинг қалби саховатпешаликка ҳам ошнолигидан дарак беради.

«Effective Study»га раҳбарлик қилиш билан бирга Бухоро давлат университетида ҳам тадқиқот ишларини олиб бораётган У.Хасанов номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида. Унинг кўплаб илмий мақолалари республика ва хориждаги қатор матбуот саҳифаларида чоп этилган.

Улуғ мақсадлар сари интилаётган Улуғбекнинг яна бир нияти ўқув маркази фаолиятини кенгайтириш ва Москва шаҳрида ҳам унинг филиалини очилдири. Биз унинг бу мақсадга ҳам албатта эришишига ишонамиз, зеро, интиланга, изланганга толе йўлдошидир.

Бухоро шаҳридаги Муқимий номидаги 18-мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ, Улуғбек ўзининг факулдада ўқир эҳсини, тил ўрганишга бўлган кучли иштиёқи билан тендошларидан ажралиб турарди. Бухоро давлат университети қошидаги лицейда ҳам у астойдил ўқиб-ўрганди. Айниқса, инглиз тилини чўқур ўрганишга киришди. Албатта, олдига қўйган эзгу мақсадлар сари дадил интилиш ўз самарасини берди – у Бухоро давлат университетининг иқтисодиёт факультети та-

лабаси бўлиш бахтига сазовор бўлди. Университетда устозларидан иқтисодиёт сирларини пухта ўрганиш билан бирга, инглиз тилини янада мукамал эгаллашга ҳаракат қилди. Бу эса унинг кейинги иш фаолиятида пойдевор бўлди, десак янглишмаймиз. Сабаби, магистратурани тугаллаганидан сўнг Улуғбек университетнинг чет тиллар факультетида талабаларга иқтисод фанидан инглиз тилида сабоқ бера бошлади. Шу орада «Истеъдод» кўрик-танловида иштирок этиб, голиб бўлди ва

ТИЛ ЎРГАТИШ ВА КОМПЮТЕР САВОД-ХОНЛИГИ БЎЙИЧА ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН ЎҚУВ МАРКАЗИ

НАТИЖА БИРИНЧИ ДАРСДАНОҚ

1-РАҚАМЛИ ЎҚУВ МАРКАЗИ

Хизматлар лицензияланган

Машғулотлар Улуғбек ХАСАНОВнинг услуби бўйича олиб борилади.

Тел.: Навоий — 226-0007
Бухоро — 223-2569
Тошкент — 281-4400
383-2000 (узлуксиз).

Манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси-30.

Марказ шартнома орқали таълим муассасалари, элчхоналар ва ташкилотларга бориб, дарс ўтиш имкониятига ҳам эга.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ, «Xabar» муҳбири

ҲАЁТДАГИ БИРДАН БИР БАХТ - БУ ДОИМО МАҚСАД САРИ ОЛГА ИНТИЛИШДИР!

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

«Universal Ta'lim»

Ўқув-илмий маркази реал таълим олишга интилган ёшларни 100% кафолати билан амалиётчилар томонидан замонавий мутахассислар тайёрловчи қуйидаги интенсив ўқув бўлимларига таклиф қилади:

- АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ:** (фақат яққа тартибда)
 - Компютерда офис ишлари (башловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint. Муддат - 2 ой, тезкор ўқитиш - 1 ой ёки 15 кун, 1 ойда — 15 минг сўм.
 - INTERNET ва E-MAIL (электрон почта) - 15 кун, тезкор - 4 кун, 15 минг сўм.
 - Компютерларни модернизациялаш, йиғини ва дастурларни ўрнатиш - 1 ой, тезкор - 6 кун, 1 ойда — 40 минг сўм.
 - Компютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви - 1 ой, тезкор - 6 кун, 40 минг сўм.
 - Photoshop, Corel Draw, 3D Max, Auto Cad, Flash MX, Page Maker, Adobe Premiere (видеомонтаж) дастури. 1-2 ой, 1 ойда — 40-50 минг сўмдан.
 - WEB-сайтлар яратиш (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) - 2 ой, 1 ойда — 50 минг сўм.
 - Дастурлаштириш (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0 DELPHI) - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойда — 150 минг сўм.
 - SQL (Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси - 2 ой, 1 ойда — 150 минг сўм ва бошқа дастурлар...
- МОЛИЯ-ИҚТИСОД, ҲУКУК ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ:** (малакали раҳбар ва бош хизматчилар дурс берадилар)
 - Бухгалтер - молиячи (бош хизматчи даражасида) - 1 йил, тезкор - 5 ой, 1 ойда — 35 минг сўм (нолдан балансгача, Компютер, Internet, "1С" бухгалтерия программаси).
 - "1С" бухгалтерия программаси - 1 ой, тезкор - 8 кун, 80 минг сўм. Яққа тартибда.
 - "1С" бухгалтерия программасини ўрнатиш хизмати - шартнома асосида.
 - Корхона ҳуқуқуқнослиги (Компютер. Ҳужжатлаштириш. Меҳнат қонунчилиги. Бизнеснинг ҳуқуқий асослари. Бухгалтерия) - 1 йил, тезкор - 5 ой, 1 ойда — 40 минг сўм.
- 3. ЙГИТ-ҚИЗЛАРНИ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ:** (фақат кичик гуруҳларда)
 - Аудио, видеоаппаратуралар таъмирловчи - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойда — 50 минг сўм.
 - Электромонтер - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойда — 50 минг сўм.
 - Уяли телефонларни таъмирлаш - 3 ой, 1 ойда — 100 минг сўм.
 - Уяли телефонларни дастурлаштириш - 1 ой, 200 минг сўм.
 - Заргарлик - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойда — 70 минг сўм. Яққа тартибда, заргар ўргатади.
 - Сартаршо-стилист, педикюр-маникюр (эркаклар ва аёллар учун) - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойда — 20 минг сўм.
 - Тирноқлар ва кийимларни ўстириш, тирноқларни коррекциялаш, акрил ва гуаш билан гул ясаш, чизиш (яққа тартибда) - 1 ой — 150 минг сўм.
 - Косметолог-визажист - 2 ой, олий курси билан тезкор - 1 ой, 1 ойда — 20 минг сўм.
 - Фармацевтика (Компютер, интернет билан) - 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойда — 20 минг сўм. Ўқуш дорихонада.
 - Тиббиёт ҳамшираси, массажаж - (Компютер ва интернет билан) 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойда — 20 минг сўм. Ўқуш поликлиникада.
 - Кийимларни тикиш-бичиш, моделлаштириш ва зилта пардалар - 4 ой, 1 ойда — 20 минг сўм, тезкор - 2 ой.
 - Астарли устки кийимлар тикиш - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойда — 25 минг сўм (яққа тартибда).
- 4. ТИЛЛАРНИ МУКАММАЛ ЎРГАНИШ БЎЛИМИ:** (кичик гуруҳларда, аудио-видео аппаратуралар ёрдамида)
 - Инглиз тили - (башловчилар учун) - 4 ой, (чўқур ўрганиш) пид-тархимон - 4 ой, (олий курс) гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойда — 20 минг сўм.
 - Рус тили - (башловчилар учун) - 4 ой, (давом эттирувчилар учун) - 4 ой, гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойда — 20 минг сўм.
 - Немис, француз, инглиз, рус, корей, турк ва араб тиллари - (яққа тартибда) - 4 ой, ҳафтада 3 марта, 1 ойда — 100 минг сўм.

Дарслар фақат яққа тартибда ёки кичик гуруҳларда деярли ҳужжат топширган кўнингиздан оқиб бошланади; Машғулотлар стандарт ўқув дастурлари ва қўлланмалари ёрдамида, тўшунари услуларида, чин дилдан «Устоз-шоғирдик» асосида катъий режимида муҳитида ўргатилади. Бир мавзуну ўзлаштирмасдан кейингисига ўтилмайди. Натижада амалиётда бемалол ишлаб кета оласиз!

Ўқиш вақтини ўзингиз белгилайсиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиш учун фақат паспорт ёки туғилганлиг ҳақида гувоҳнома талаб қилинади. Тулов нақд пул ёки пул ўлказиш йўли билан! Тест натижаларига қўра, лицензияланган диплом берилади.

Қабул: 9:00-19:00, дам олиш кўни — яқшанба. Ётоқхона - 1 ойда 25-30 минг сўм.

МАНЗИЛ: Тошкент ш., Халқлар дўстлиги кўчаси, 13-йў.
КЕЛИШ ЙЎЛИ: Автобус: 77. Трамвай: 9.
Тролейбус: 6. **Маршрутка:** 98, 132, 15, 134, 40, 81, 12, 98. **Метронинг** «Хамза» бекати.

Мўлжал: «Flagman» кафе-рестораннинг ўнг томонидаги 13-йў.

Тел.: 173-91-60(факс), 173-44-26.

Лицензия № ASUZ 0019220070002-05

TURMUSH CHORRAHALARIDA

Жамила уни йўлда учратди. Чорраҳадан утиб ишхонаси томон бурилган эди, орқасидан машинанинг таниш сигнали эшитилди. Юраги қандайдир узгача ҳаққириб аста ёнига қаради. Эркин бош ирғаб саломлашиб, машинасини секин ҳайдаб кетди.

Турмуш Мухаббат

Жамила хонасига маҳзун ҳолатда кириб келди. Ҳамхоналари билан саломлашиб жойига ўтирди ҳамки, дилгир хаёллар уни тарк этмас, қўли ишга бормасди. У тоза қоғоз олиб, ёза бошлади. Қалб тугёнлари шеър бўлиб тушар эди:

**Эшитилар қақирсам агар,
Эшитилар ҳайқирсангиз гар.**
Аммо ҳар иккимиз икки гўшада...

Ҳар гал шундай бўлади. Эркинни кўрди дегунча бир неча кун ўзига кела олмай юради. Илк муҳаббати — юрагининг энг тубидаги кул боса бошлаган чўғ бирданига аланга олиб, вужудига ўт ёқади. Тафти қалбини куйдира бошлайди. Энг оғири меҳрибон ва гамхўр турмуш ўртоғининг олдида хиёнатчидай сеза бошлайди ўзини.

Эркин телефон боғламаси бошлиғи эмасми, Жамила ишлайдиган телефон тармоғи филиали идорасига тез-тез келиб кетишига тўғри келади. Келганида, албатта ҳисоблаш бўлимига ҳам кириб ўтади. Ҳаммага умумий салом беради. Ва секин Жамилага кўз ташлайди. Нигоҳлар тўқнашади, диллар дардлашади, лекин тиллар "Яхши юрибсизми?" дан нарига ўтолмайди. Ҳаё, оила ва фарзандлар олдидаги масъулият, бурч йўл қўймайди бунга. Ана шу ҳаё, ана шу масъулият ораларини тоғ мисол, дарё мисол ажратиб, "аммо"лар довулга айланади ва улар йўлини тўсади, "лекин"лар қилинча айланади ва узатмоққа шайланган қўларини кесмоққа чоғланади. Бу ташрифлардан сўнг Жамила қандай кўнгли чўкиб, ўқсиниб қолса, Эркин ҳам шундай тушкун кайфиятда, муҳаббатга тўлиқ юраги танасига ортиқчалик қўлаётгандай оғир қадамлар билан чиқиб кетади. Уларнинг шундай ахволга тушишига Жамиланинг қатъиятсизлиги сабаб бўлган, аслида.

Жамила билан Эркин мактабда ҳам, институтда ҳам бирга ўқишди. Фақат Эркин олдинги курсда, Жамила икки курс кейинда. Улар олийгоҳга бирга бориб, бирга келишарди. Ешлар орасидаги дўстлик аста-секин оловли муҳаббатга айланди. Эркин уни

еру кўкка ишонмас, таътил пайтида айрилиққа чидай олмай Жамиланинг уйи олдида ўтар, узокдан бўлса-да бир кўрмаса кўнгли жойига тушмас эди. Жамила баъзан узокда кетаётган Эркинга кўзи тушиб, нима иши бор экан бу ерларда дея ҳайрон бўларди. Алоқа соҳасида бирга ишлашмоқчи эди улар. Жамила ўқишни битирмасданок совчилар кўпайиб қолди. Буни эшитган Эркин унга совчи юбормоқчи эканлигини айтди. Жамила бу ҳақда онасига гапирган эди, Мархабо онанинг бирдан жаҳли чиқиб кетди.

— Кимсан, катта бир универмаг директорининг қизисан, — деди дарда билан. — Тўйимизга шаҳарнинг казо-казолари меҳмон бўлиб келишади. Оддий бир ўқитувчининг топгани нима бўларди-ю, сенга нима каромат кўрсатарди. Сени ўша бостирмасифат уйига узатиб борамизми? Йўқ, йўқ, бунга ҳеч қачон рози бўлмайман. Мухаббат фақат китобларда бўлади. Эртага рўзғорда қийналсанг, муҳаббатни пишириб еб бўлмайди-ку, ахир. У йўлгит ким бўлибдики, бизга қувё бўлса, оддий телефончи бўлади-да барибир эртага.

У онасининг қаршилиги ҳақида Эркинга айтиб ҳам улгурмади. Эртасиёқ совчилар келишди. Отаси уларнинг кимлигини, ўғлининг нима иш қилишини суртиштирди ва узил-кесил жавоб берди.

— Тенг-тенги билан, тезак қопи билан деган гап бор, — деди у. — Ўзингизга мосроқ оиладан қиз қидирсангиз яхши бўларди.

Жамила икки ўт орасида қолди. Эркин уни ўз муҳаббати йўлида курашишга чорлар, қандайдир бўлашиб қолганидан шубҳаланарди ҳам. У бир неча марта келиб, Жамилага ёлворди, ота-она розилигисиз турмуш қуришга ундади. Ҳамма вақт ота-она измида вояга етган Жамила эса уларга бир оғиз сўз айта олмас, муҳаббат ҳақида гапириш уятли иш бўлиб туоларди унинг учун.

Сўнг, нимагадир Эркин узок вақт жим бўлиб кетди. Кундакунора ташрифларига ўрганиб қолган Жамила уни соғина бошлади. Ва унга қанчалик боғланиб қолганлигини, Эркин юрагининг бир парчасига айланганини ҳис қилди. Аммо наҳора, унинг ўзи

келмаса, Жамила қидириб боролмас, қанчалик қийналмасин, дардини ичига ютишга мажбур эди.

Жамила отасининг илтимоси билан ишга жойлашди. Болалигидан китобга ўч, хушфёзли ва кенг дунёқарашли қиз оз вақт ичиде жамоа ҳаётига сингиб кетди. Уни ҳамма яхши кўрар, шу ерда кўп йиллар ишлаган бўлим бошлиғи Абдурашид ака, айниқса, кўп нарсаларни ўргатарди. Лекин бирор кун йўқ эди-ки, Эркинни эсламаса. Назарига эшиқдан кириб келаётгандай туоларди. Лекин...

Иши камроқ пайтда ўзларидан унча узок бўлмаган ташкилот — халқ банкига бориб келишга қарор қилди. У ерда ишлайдиган дўгонаси Гулсара билан дардлашмоқчи эди. Гулсара Эркин яшайдиган маҳаллада яшар, уларнинг муносабатларидан хабардор эди. Икки дўгона у ёқ - бу ёқдан гаплашиб ўтиришди. Эркин ҳақида сўрашга уялиб турган эди, Гулсаранинг ўзи дабдурустдан:

— Эркин аканинг тўйи ҳамма-нинг оғзига тушди, — деб қолди. Тик туриб гаплашаётган Жамила бўлашиб, мижозларга қўйилган ўриндиққа зўрга етиб олди. Эркиннинг тўйидан хабардор деб ўйлаб, гапириб юборган Гулсара дўгонасининг ахволини кўриб кўркиб кетди. Дарров пиёлада сув телди. Бироздан кейин ўзига қулган Жамиланинг оғиз очишга ямажли қолмади.

— Сен Эркин акадан хафа бўлма, — деди Гулсара. — У бечора нима қилсин ахир. Сен гапига кўнмадинг. Отаси оддий ўқитувчи бўлсаям, ўзига яраша ҳурмати бор эл орасида. Дадагнинг гапи қаттиқ таъсир қилган шекилли, қариндошларининг қизига уйлантирди ўғлини. Эркин ака ҳам кекса отасининг кўнглига қарашга мажбур бўлди.

Жамила, майли, ишқилиб бахтли бўлишин, дея кетмоққа чоғланди. Ва амаллаб ишхонасига етиб олди. Уйига борди-ю, онасига кимини хоҳласангиз мен розиман, деди маҳолсиз. Жамиланинг уйда ҳам тўй ҳаракати бошланиб кетди. Шу тариха бир неча йил икки ёш томонидан авайланган, эъзозланган муҳаббат етим бўлиб, аро йўлда сарсон қолди. Орадан анча йиллар ўтишига қарамасдан бу ўтти туйғу ҳар икки инсон юрагини тўз каби ачиштиради. Лекин наҳора, Жамиланинг соғ-омон юрганидан, оиласи бағрида бахтли эканлигидан Эркиннинг қалби таскин топса, Жамила ҳам унинг ишлари юришаётганидан хурсанд бўлади.

... Эртага йилнинг сўнги куни. Ҳисоб бўлими ходимлари ишни тезроқ якунлаш ҳаракатида бош кўтармай ишляпти. Шу пайт эшик очилиб, Эркин кириб келди ва хонадагиларга шоколад улашиб, янги йилда ҳам ҳаётлари ширин бўлишини тилади. Бу тилак аслида биргина ўзига аталганини ҳис қилган Жамиланинг бирдан кайфияти кўтарилди. Дунё кўзларига гўзал ва фарахбахш кўрина бошлади.

Эркин барчага эзгу тилаклар тилаб, гўё юрагининг бир бўлагини қолдириб кетаётгандай, зўрга чиқиб кетди.

Гулбахор ҲАЙДАРОВА

NAZM GULSHANI

Ассалому алайкум
гурӯатини "Xabar"
тадриқини!

Мен Дилдора
Ғуломова Ўзбекистон
телекоммуникация тармоқлари
ни бошқариш республика марказида тармоқ ресурслари ва технологиялари бўлими бошлиғи бўлиб ишлайман. Менинг 60 ёшли қайнонам Манзураҳон Ғуломова жуда ҳам меҳрибон инсон, улардан кўп нарсаларни ўргандим. Ҳаётимдаги қийинчиликларни енгишда ёнимда туриб, далда бўладилар. Фойдали маслаҳатлари билан ёқларда берадилар. Улар бўш вақтларида шеър ёзиб турадилар. Шулардан баъзиларини таҳририятга илин-диим, маъқул бўлса, газетда чоп этишингизни илтимос қиламан. Мақсадим — қайнонам газетда шеърларини ўқиб хурсанд бўлсинлар.

КАФТИМДА КҮЁШ

Кўёш нурин кафтимда тугиб
Олисларга боқаман хушхол.
Борлиқ менинг хаёлим бўлиб
Оғушида аллалар беҳол.

Беҳолгина юмиб кўзимни
Нурларингни тўйиб симирдим.
Сўнма Кўёш, тарк этма мени
Нурларингдан ёришди дилим.

Дилим ёнсин сен каби мангу,
Дил ёнишдан тўхтамасин ҳеч.
Дил ёнмаса яшамок недур,
Умр ўтиб, кеч кирмоқда, кеч...

ТҮРТЛИК

Бир томчи ёш кўнғил нидоси,
Тошиб чиқса йўқдир давоси.
Киприқларим тутмоққа ожиз,
Йигламасам бўлмас адоси.

Манзураҳон ҒУЛОМОВА

BILASIZMI?

ЭНГ ҚАДИМИЙ АСАР

Бизгача етиб келган дунёдаги энг қадимий босма асар — бу ёғочга ўйиб ёзилган Дхарани битигидир.



Мақзур битик 1966 йил 14 октябр куни бир гуруҳ олимлар томонидан Жанубий Кореянинг Кенжу шаҳарчасидан топилган. Олимларнинг таҳминларига кўра, ушбу битик милoddан аввалги 704 йилда яратилган. Бироқ 1973 йилда қадимшунслар Хитойнинг Тан сулоласи даврида ёзилган ушбу 28 саҳафадан иборат қахрамонлик достони милoddан олдинги 1160 йили темир ёзма шрифтлар ёрдамида яратилган, деган фикрга ҳам бормоқдалар. Фикрлар хилма-хил бўлишига қарамасдан эллистик қадимийлигича қолади, албатта. Айни пайтда ушбу достон Корея Республикасининг Йонсен университетиде сақланмоқда.



Эва.Вашингтонский

Қара.и ва мурувват ато ва анодулар,
Вафоро ҳаё икки халузод фарзанд.

● BU — QIZIQ

ОЙ КОНСТИТУЦИЯСИ

Узоқ йиллардан бери фалакиётшунос олимлару мунажжимлар само жисмларини, уларнинг жойлашиши-ю характерини, ердаги ҳодисаларга таъсирини ўрганиб келишмоқда. Улар ичида бугун фаолиятини ана шу муҳим ишга бахшида этганлари ҳам бор. Аммо бу олимларнинг бирортаси фазовий жисмларга эгалик қилишни даъво қилишмаган.

Бугунга келиб, ойнинг ўзига бўлмаса-да, муайян ҳудудларига эга чиқишни истовчилар, шу йўлда катта-катта маблағларини сарф этаётганлиги борлигини биласизми? Ҳа, инсоният сайёрамизнинг ҳамма ерига ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилаётгани етмаганидек, энди коинотга ҳам даҳл қила бошлади.

ДАСТЛАБКИ ДАЪВОГАР

1980 йилда америкалик Деннис Хоуп қонунларни ўргана туриб, бир нарсаса эътибор қаратди ва ниҳоятда хурсанд бўлиб кетди. Яъни, умумжаҳон қонунларига кўра, шу пайтгача ҳеч кимга тегишли бўлмаган ҳудудга ким биринчи бўлиб даъвогарлик қилса, жой ўша одамники бўларкан. У бу имкониётдан унумли фойдаланишга киришди — ҳужжатларни расмийлаштириб, СССР, АҚШ, Хитой ва бошқа мамлакатларга “Бундан буён қуёш тизимидаги само жисмларни меннинг шахсий мулким ҳисобланади”, деган маънода баёнот юборди. Бунга ҳеч бир давлат эътироз билдира олмади. Чунки 1967 йилда имзоланган Коинот ҳақидаги битимга кўра, бирорта фазовий жисм ҳеч бир миллат ёки давлатга тегишли бўлиши мумкин эмасди. Буни қарангки, Битимда жисмоний шахслар умуман тилга олинмаганлиги Хоупга қўл



келди — у само жисмларини расман эгаллаб олди.

САВДОДА ОЙ ХУДУДИ

Хоуп ишга жиддий киришди. У “Ой энциклопедияси” ташкил этиб, турли мамлакатларда унинг филиалларини очди. Ойнинг кўринарли томонини 3112002 бўлакка бўлиб, уларни сотувга қўйди. Масалан, Россиядаги Ой элчихонасига мурожаат қилиб, 16500 рубл эвазига Ойдан 72 гектарлик участка сотиб олиш мумкин. Ойдан дала ҳовли учун кичикроқ майдонга эга бўлишни истаганлар эса 3960 рубл эвазига 40 сотих ҳудудни сотиб олса бўлади. Марсдаги участкаларнинг нархи бирмунча арзон: шу маблағга 80 гектарлик жой сотиб олиш мумкин.

Сотув олди-сотдисиди харидорга хусусий мулк ҳақидаги шартнома, унга тегишли бўлган жой белгилаб кўрсатилган ой харитаси ва... Ойнинг Конституцияси тақдим этилади.

ОЙ ФУҚАРОСИ ХУҚУҚЛАРИ

Ой Конституциясида қуйидаги жумлалар бор: “Ой Конституциясига кўра, Сиз ўз юрагингиз буюрганича ҳаракат қилиш, инсоний олижаноблик ва мукамаллик намоён этиш, бахт, сўз ва дин эркинлигига интилиш, ўз мулкингизни бошқариш ҳуқуқига эгасиз”.

Ойдан ер сотиб олган киши уни сотиш, ижарага қўйиш ва мерос қилиб

қолдириш ҳуқуқига эга. Шунингдек, у “Ойнинг сатҳига бўлиши эҳтимоли бўлган зарарнинг олдини олиш мақсадида турли конструкциялар қуриши мумкин. Бундан ташқари, у Ойдаги табиат ҳодисаларидан кишиларни муҳофаза қиладиган қурилмалар барпо этиш ҳуқуқига ҳам эга, лекин мазкур иншоотлар атрофдаги муҳит уйғунлигини бузмаслиги лозим”.

Ойга қурол жойлаштириш ва ишлаш таъқиқланган, космик кема ёки чиқиндилар каби ишлатилган буюмларни сақлаш ҳам ман этилган. Ой фуқароларининг эркинлик ва бахт йўлидаги ҳаракатларига ёрдамлашиш учун Ой ҳуқумати сайланган. Деннис Хоуп унинг яққа ва ўзгармас раҳбари дея эълон қилинган. У космик мавжудотлар, ҳукуматлар ва олимларга қарши уруш эълон қилиш ҳуқуқига ҳам эга.

ХАРИДОРЛАР

Ойдан дала ҳовли учун жой сотиб олган ерликлар сони ҳозиргача 100000 нафардан ошди. Улар ичида Жорж Буш, Роналд Рейган, Никол Кидман, Клинт Иствуд, Мик Жаггер ва Жон Траволта каби таниқли инсонлар бор. Россияликлардан Александр Розенбаум, Юрий Шевчук каби 7764 нафар фуқаро Ойда ўз кўчмас мулкларига эга. Улар Ой Конституцияси ҳимоясида, албатта.

Фойдаланувчилар адресацияси (ru — адресация пользователей, en — addressing of the users) — Берилган адресларга маълумотларни қабул қилиш ёки узатиш имконияти учун интернет-хизмат (электрон почта, хостинг ва бошқалар)нинг фойдаланувчиларига адресларни бериш тадбири.

Домен, соҳа (ru — домен, область, en — domain) — 1. Интернет тармоғидаги компьютер номининг таркибий қисми.

АЛОҚАЧИ ЛУФАТИ

2. Номли мезон бўйича ажратилган ва уни қувватлаш учун жавоб беришчи ташкилотга эгалик қилиш учун берилган интернет тармоғининг қисми.

Изоҳ — Ташкилот ваколати кўпинча фақат номларни тайинлаш билан чекланади. Домен бўйича компьютернинг жойлашган ўрни аниқланади ва ундан фойдаланишга рухсат олинади.

3. Домен номларининг сервери орқали белгиланган усул билан ҳамкорликда ҳаракат қилувчи компьютерларнинг марказлаштирилган маълумий тўплами.

Изоҳ — Компютерларни доменга бирлаштириш ё географик жойлашиши бўйича ёки ташкилот бўйича ё фаоллик тури бўйича амалга оширилади.

UZ-зонаси (ru — зона-UZ, en — UZ-zone) — Интернет тармоғининг ўзбек сегменти учун ажратилган домен номларининг мажмуи.

XANDALAR

ЎҒИЛ БОШҚАРАСАНМИ ЕЧМАДИ...

— Оддий аскар Тошматов! Ҳов-ва авани ёқда ишлаётган сапёрларни кўряпсизми? Неча киши экан?

— Ун уч нафар аскар ва бир старшина.

— Ие, старшина эканлигини қаердан билдингиз?

— У ишламаяпти.

Тоғдаги оромгоҳда дам олаётган киши дўхтирга шикоят қилди:

— Бу ерда нафасим бўғиялпти.

— Ие, шундай тоза ҳавода-я?

— Ҳа, айнан шундай. Чунки мен уйда нимадан нафас олаётганимни кўриб турардим.

— Азизам, кел, гаплашамиз!

— Жуда чарчаганман. Келинг, яхшиси, рақсага тушайлик!

— Дада, нега никоҳга кетишаётганида келин-куёвлар қўл ушлашиб олишади?

— Бу одат, ўғлим! Мана, боксдаям жангдан аввал боксчилар бир-бирларининг қўлларини сиқиб қўйишди-ку!

— Ўғлим, қассобга чиқ-чи, унда қўйнинг оёғи бормисин?

Ўғил бир соатдан сўнг қайтиб келди:

— Кечиринг, дада, шунча қўрам ҳам ботинкасини ечмади.

SALOMATLIK

НАЗМИЙ МУОЛАЖАЛАР

- Сурма қўйса ҳар киши кўзига лайми наҳор, Кўздан сув оқмағай ва нури бўлғай бегубор.
- Ҳар кишининг оғзидан сув оқибон дод айлағай, Турпни туз бирла қўшиб еганда озод айлағай.
- Кўзга оқ тушса, эй ўртоқ, кимга ҳам у наф этар, Сен куён ўтин қурит, туй, кўзга сурка, даф этар.
- Гар кишининг оғзи қўйса, чорасин билмоқ керак, Тезда кашнич суви бирла фарғара қилмоқ керак.
- Турп уругин майдалаб, сирка билан сур юзингга Юз доғи кетгай, кўринмас қайтадан ҳеч кўзингга.
- Гар кишининг ҳар ери бемаҳал тез-тез учар, Гар балиқ мойини сурса, учиши дарҳол ўчар.
- Эчки ўтин сен қулоғинг ичига оҳиста сурт, Оғриғи қолгай, ҳаловат бирла топгайсан ҳузур.
- Ҳар кишининг киндиги оғриб, азоб берган замон, Турп уругин у асал бирла еса, топгай омон.
- Пишган саримсоқни есанг буйрагингни пок қилур, Буйрагинг нобоп эса хомин ема, ҳалок қилур.
- Гар кишида барча аъзо зирқираб, оғриб юрар, Ул киши кашничу новватни еса, дардни қувар.

Тайёрловчи: Абдухалил ҲОШИМОВ, «УзАлоқаКонсалтинг» МЧЖ ходими

SPORT

«ПАХТАКОР» ЧЕМПИОНЛИКНИ САҚЛАБ ҚОЛА ОЛМАДИ



Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида «МДХ ва Болтикбўйи давлатлари чемпионлари кубоги – 2008» мусобақаси ўз якунига етди. Турнирнинг финал учрашувида Тошкентнинг «Пахтакор» ва Озарбайжоннинг «Хазар-Ленкоран» клублари ўзаро куч синашишти.



Ўйинда иккала томон ҳам очиқ футбол намоиш қилишти ва мухлисларга бир-биридан чиройли голларни тақдим этишти. Шу куни баҳсни стадиондан туриб кузатган фахрий меҳмонлар – ФИФА президенти Зеб Блаттер ҳамда УЕФА президенти Мишел Platини ҳам шиддаткор ўйиндан олган таассуротларини яшира олишмади.

Учрашув «Пахтакор»нинг кетма-кет ҳужумлари билан бошланди. Зайниддин Тожиев қанотдан икки ҳимоячини алдаб ўтиб, тўпни жарима майдонига етиб келган Элдор Магдеевга оширди. Ярим ҳимоячимиз бу имкониятни қўлдан бой бермади. Лекин тез орада озарбайжонликлар ҳисобни тенглаштиришти. Ўйин шу зайлда давом этди. Кирилган ҳар бир тўпга зудлик билан рақиб томонидан жавоб қайтарилиб турди.

Иккинчи бўлимда «Пахтакор» ҳимояси ва ярим ҳимоясида йўл қўйилган хатолар озарбайжонликларнинг ҳисобда олдинга чиқишларини таъминлади. Шу сабаб «Пахтакор» ўтган йили қўлга киритган чемпионлик унвонини сақлаб қола олмади.

«Хазар-Ленкоран» – «Пахтакор» – 4:3

Голлар: Амиркулиев, 6; Рамазонов, 43; Диего Соуза, 49; Марио Соуза, 65 — Магдеев, 3; Солиев, 27; Иномов, 57.

ЁШЛАРИМИЗДА БРОНЗА

Қатарда ўтаётган ёшлар ўртасидаги халқаро турнирга ҳам якун ясалди. Газетамизнинг аввалги сонида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам ушбу турнирда иштирок этаётгани ҳақида хабар қилган эдик.

Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари гуруҳ баҳсларининг сўнгги турида Кипр ёшларини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ярим финалга йўл олишганди. Ярим финалда улар полшалик тенгдошларига қарши майдонга тушдилар. Иккала терма жамоа ҳам эҳтиёткорлик билан ўйнади. Биринчи бўлимда дарвозалар ишғол қилинмади. Иккинчи бўлимда иккала терма жамоа ўйинчилари ҳам ҳужумга зўр беришти. Бу Полша ёшлар терма жамоасига фойда келтирди. Улар 58-дақиқада гол киритишти. Қолган дақиқаларда Убайдуллаев шогирдлари ҳарчанд уринмасин, ҳисобни тенглаштира олишмади.

Шу тариқа Полша ёшлар терма жамоаси финалга йўллангани қўлга киритди. Иккинчи жўфтликда эса Япония ҳамда Хитой ёшлари куч синашти. Ўйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисобида якунига етди. Қўшимча вақтда японияликлар галаба тўпини киритишти – 2:1.

30 январь куни Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 3-ўрин учун Хитой ёшлар термасига қарши майдонга тушиб, 2:1 ҳисобида галаба қозонди ва мусобақанинг бронза медалига сазовор бўлди.

Ушбу галаба орқали Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси хитойлик тенгдошларидан реванш олишга муваффақ бўлдилар. Жамоалар гуруҳ босқичида ҳам ўзаро учрашишган ва унда 2:0 ҳисобида Хитой ёшлар терма жамоасининг қўли банд келган эди.



КАХА КАЛАДЗЕ ШАХСИЙ БАНКОЧДИ

Италиянинг «Милан» клуби ҳимоячиси Каха Каладзе Грузияда ўзининг шахсий банкини ташкил этди. Футболчи янги - «Прогрессбанк» тижорий банки акцияларининг 80 фоизига эгалик қилади.



Каладзе анча пайтдан буён Грузияда тадбиркорлик ишларини йўлга қўйган. У Кобулети шаҳридаги «Колхети» меҳмонхонаси ҳамда Тбилисидаги «Максим» тотализаторининг соҳиби ҳисобланади. Каха Каладзе яқин орада Европанинг машҳур «Макс» эркаклар журналини грузин тилида чоп эттиришни ҳам режалаштирган.

БОКСЧИЛАРИМИЗ ПЕКИН ЙЎЛЛАНМАСИ УЧУН КУРАШМОҚДА

Таиландда бокс бўйича «Қирол кубоги» турнири ўтказилмоқда. Ушбу турнир Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи муҳим мусобақалар сирасига киради. Бу ерда 10 вазн тоифасида 19та лицензия учун 28 мамлакатдан 141 боксчи баҳс олиб бормоқда. Мамлакатимиздан тўққиз нафар боксчи олимпиада лицензияси учун рингга кўтарилмоқда.

Ҳозиргача 51 килограммли Тўлашбой Дониёров жанубий корейлик боксчига ютқазиб қўйган бўлса, 54 кг вазн тоифасида рингга кўтарилган Улуғбек Холмуродов мезбонлар вакилига имкониятни бой берди. Ушбу икки боксчи Хитойда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида қатнаша олмайд.

Рафиқ Султонов (48 кг), Баҳодиржон Султонов (57 кг), Бекзод Хидиров (60 кг), Зокир Ортиқов (64 кг), Дилшод Маҳмудов (69 кг), Элшод Расулов (75 кг), Жасур Матчонов (91 кг)лар эса йўлланма учун курашни давом эттиришмоқда.



ЭЪЛОН!

Ер муносабатларини ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш Бош бошқармаси томонидан Собир Раҳимов тумани Саидов кўчаси 5-уйда жойлашган «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалининг ОУС-10 (опорно-усилительная станция)сига берилган ер инвентаризация далолатномалари ҳамда ер участкаларининг чегаравий схема-режалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

«Самарқанд Телеком» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаб-ушумаси кўмитаси жамоалари филиал бош ҳисобчиси Омон Митановага онаси САЛОМАТ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали жамоаси филиалнинг Қибрай почта алоқаси тармоғи бошлиғи ўринбосари Анора Акрамовага турмуш ўртоғи БОЛТАБЎЙ УСМОНОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

 Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДҲУЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХҲҲҲҲ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлашиши мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда «Xabar»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❶
Реклама матнларининг тўғрилик-лиги таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манил: Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

153-Г сонли буюртма.
Оффсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ,
Адади: 14768 нуска.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Матн тевуви: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:
UZINFOCOM маркаси.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.
1 2 3 4 5 6 8

SALOMATLIK

КЎЗ НУРИНГНИ АСРА, БОЛАЖОН!

Кўзингизни бироз дақиқага ёпиб туринг, дунё кўзингизга қоронғу бўлиб кетади. Ана шунда кўз — инсонга Аллох томонидан берилган буюк неъмат эканлигини яна бир бор ҳис қиласиз. Бекорга халқимиз азиз нарсаларни “кўз қорачигидек асранг” деб айтишмайди.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган “Астигмати сервис” клиникаси шифокори — олий тоифали офталмолог Дилором ҚўҶОРОВА ни суҳбатга тортдик.

— Дилором опа, аввало, “Астигмати сервис” клиникасида болаларга кўрсатилаётган офталмологик хизматлар тўғрисида маълумот берсангиз.

— Клиникамизда “Болаларда кўриш қобилиятини сақлаш ва муҳофаза қилиш” кабинети бор. Унда болаларда кўп учрайдиган кўз касалликлари, яъни миопия, гиперметропия, астигматизм, гилайлик ва бошқа кўз касалликларига тўлиқ ташхис қўйилади ва даволанилади. Бунинг учун бизда барча керакли аппаратлар ва рефракция аномалиясини компютерда ташхис қўядиган авторефрактометр бор.

— Биргина суҳбатнинг ўзида барча кўз касалликлари ҳақида сўз юритиш қийин. Шу босис, бизга миопия хасталиги тўғрисида тушунча берсангиз.

— Миопия бу — кўриш қобилиятининг пасайиши бўлиб, яқинни яхши кўриш ва ақсинча, узоқдаги жисмларни ёмон кўришликдир. Сўнгги йилларда миопия билан оғриган болалар сони ортиб бормоқда. Бу кўзга берилётган зўриқшининг кескин кўпайиши билан боғлиқдир. Асосан болалар 90 фоиз гиперметропия билан, яъни нормал ҳолатда туғилади. 7 ёшга келиб, кўз олмасининг катталашиб бориши натижасида гиперметропия камайиб, кўз эмметропик бўлиб қолади. 10-12 ёшдан бошлаб эса баъзи болаларда миопия пайдо бўлиб, ривожлана бориши мумкин.

— Миопияни келиб чиқиш сабаблари нимада?

— Унинг биринчи ва асосий сабаби кўз аккомодация мушакларининг кучсизланишидир. Шу ўринда аккомодация ҳақида ҳам маълумот бериб



ўтсам. Аккомодация — бу кўзнинг аккомодация мушаклари ва боғламлар ёрдамида гавҳар шаклининг ўзгариши ҳисобига узоқдан ва яқиндан кўра олишлик қобилиятидир. Узоқ вақт ўқиш, компютерда ишлаш ва телевизор кўриш мушакнинг кучли зўриқишига олиб келади. Натижада кўз узоқдаги жисмларни кўришга мослаша олмайди — “аккомодация спазми” пайдо бўлади.

Агар боланинг ўсиши даврида склера — оқсил қавати суст бўлса у осон чўзилади, бу ҳам кўз олмасининг катталашушига, миопиянинг ўсишига олиб келади. Ота-оналарнинг бирида ёки иккаласида миопияни бўлиши болада ҳам миопия бўлиш эҳтимолини оширади. Тез-тез касал бўладиган, пиолонефрит, сколиоз, тонзилит билан оғриган болаларда, нафас йўллариининг сурункали касалликларида миопия пайдо бўлиш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Кўриш жараёнида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаслик (ёруғликнинг етарли бўлмаслиги, яқин масофада узоқ вақт кўзни зўриқиши, ҳаракатдаги транспортда ўқиш, кам ҳаракатлилик) эса миопия ривожланишини тезлаштиради.

— Миопиянинг қандай турлари бор?

— Унинг туғма ҳамда орттирилган турлари мавжуд. Орттирилган миопиянинг энгил, ўрта ва юқори даражалари бўлади. Шунингдек, бу хасталикнинг ўсувчи формаси ҳам қайд этилган, яъни бир йил давоми-

да миопия (-) 1,0Д гача кўпайиши мумкин. Миопия кўпинча астигматизм билан биргаликда келади.

Миопия ўсган сари узоқни кўриш қийинлашади. Кўз олмасининг катталашуши ҳисобига тўр парда чўзилади, унинг озиқланиши бузилади, тўр пардада ёриқлар пайдо бўлиб, ҳатто тўр парданинг кўчишига олиб келиши мумкин.

— Миопия ривожланишининг қандай қилиб олдини олиш ва тўхтатиш мумкин?

— Бунинг учун ушбу оддий тавсияларга риоя қилиш даркор. Ўқиш ва ёзишда кўз билан китобдафтар ораси 30 см.дан кам бўлмаслиги, ёзув столи юқори ва чап тарафдан ёритилиши керак. Узоқ ўқиш мумкин эмас, ҳар 20 дақиқада танаффус қилиш лозим. Телевизорни 2,5-3,0 метр масофада кўриш керак.

Шунингдек, компютер олдида узоқ ўтириш мумкин эмас. Енгил миопияли болалар 30 дақиқагача ўтирадилар (ҳафтада 2-3 марта). Сунгра кўзга 15-20 дақиқа танаффус берилади. Кўриш қобилиятини сақлаш учун тўғри овқатланиш, овқатлар А витамини билан бойитилган бўлиши керак. Йилда икки марта (кўз ва баҳорда) витаминлар комплекси, микроэлементлар тавсия қилинади. Доимо фаол ҳаракатда бўлиш даркор, бунда модда алмашинуви кучайиб, кўз чарчашининг олди олинади. Лекин тез ўсувчи миопияда, айниқса, юқори даражада жисмоний зўриқишлар чекланади, оғир юкларни кўтариш, кескин эгилиш, сакраш, зарбалар мумкин эмас.

— Миопияли болаларга қандай даво муолажалари қилинади?

— Бизнинг клиникамизда миопиянинг ўсиб кетмаслиги, ўсувчи ҳамда асоратли миопияда тўр парданинг озиқланиши, қон томирларида қон айланишини яхшилаш учун даволаш муолажалари олиб борилади. Кўзнинг аккомодация фаолиятини кўтариш учун аппаратларда, шунингдек, оптик линзалар ёрдамида машқлар ўтказилади. Уй шароитида шуғулланиш учун тавсиялар берилади.

Усмонжон Йўлдошев суҳбатлашди

2001 йилда чиқарилган ПОЧТА МАРКАЛАРИ

423-431. “Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги ютуқлари” купонли почта маркалари туркуми. О.Андреевский дизайни.

Маркаларда Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида голибликни кўлга киритган Ўзбекистон спортчилари тасвирланган.



429. “Тўлағанова Ирода” почта маркази. Вена. 2001 й. Уника ш. Гран-при.



430. “Мухторов Дилшод” почта маркази. Пистолетдан отиш: Атлантадаги жаҳон кубоги. 2001 й. 1-ўрин.

Табриклаймиз!

“Фаргона Телеком” филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Қува тумани телекоммуникациялар боғламаси катта муҳандиси Неъматулло ҲУСАЙНОВНИ ва филиал диспетчери Валентина МАЛИШЕВАНИ 50 ёшга тўлишлари муносабати билан самимий табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳат-фароғатини кўриб яшашликни тилайди.

“Бухоро Телеком” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиал директорининг биринчи ўринбосари Одил БОБОМУРОДОВНИ 50 ёшга тўлиши муносабати билан чин юракдан табриклаб, унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт-саодат тилайди.

Қашқадарё вилояти Давлат алоқа инспекцияси жамоаси инспекция ходими Бобомурод АБРАЕВНИ таваллуд топган куни билан муборакбод этиб, унга узоқ умр, оилавий тотувлик, ишларида ривож тилайди.

Ўзбекистон алоқа ва ахборот-лаштириш агентлигининг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси жамоаси бошқарманинг етакчи мутахассиси Тоҳир САНАКУЛОВНИ 60 ёши билан муборакбод этади. Унга узоқ умр, бахт-саодат ва мустаҳкам соғлиқ тилаб қолади.



АСТИГМАТИК МАРКАЗ ТАКЛИФ ЭТАДИ

КОНТАКТ ЛИНЗАЛАР

Оптик

Астигматик

Рангли

Рангли оптик

Линзаларни парваришlash

воситалари



Кўз касалликлари ташхиси ва даволаш

ФАҚАТ БИЗДА

Болалар ва ўсишларда кўриш қобилиятини муҳофаза қилиш хонаси

БАРЧА ДИОПТРИК КЎЗОЙНАКЛАР

Астигматик

Антиблик (нур қайтарувчи)

Қорайтирилган

Бифокал

Тренажер кўзойнаклар

Замонавий tibбий жиҳозлар, энг сунгги компютер ласчураари

Тел: 233-26-34, 253-42-22, 380-38-32

astigmatical@gmail.com

Манзил: Тошкент шаҳри, Мўқимий кўчаси, 106-уй.

Астигматик марказ мутахассислари кўз касалликлари бўйича барча саволларингизга жавоб беришга тайёр!

Хизматлар лицензияланган, маълумот сертификатланган.